

**РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТДА ЕР
МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАРТИБГА
СОЛИШ**

Ўқув-услубий мажмуа

2022

**“ТИҚХММИ” МТУ ҳузуридаги
ПКҚТ ва УМО тармоқ маркази**

Тошкент – 2022

Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишилаб чиқилган.

Тузувчилар: **ТИҚҲММИ доценти., и.ф.н., А.Р.Бабажонов, катта ўқитувчи А.Муқумов**

Такризчи: **ТИҚҲММИ, Геодезия ва геоинформатика кафедраси мудири, доцент Ойматов Р.Қ**

Ўқув - услугий мажмуа “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети кенгашининг 2021 йил 23-декабрдаги 12-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР.....	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ	8
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР.....	13
IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	44
V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	57
VII. ГЛОССАРИЙ.....	58
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	62

I. ИШЧИДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Конуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқкан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқкан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Модулнинг мақсади: педагог кадрларга дунёда ва мамлакатимиздаги ер муносабатларини тартибга солишбўйича шаклланган билим, кўникма ва малакаларни хориж тажрибаларга таянган ҳолда бойитишга эришиш.

Модулнинг вазифалари:

- ер муносабатларини тартибга солиш жараёнида олинган натижаларни қайта ишлашда ахборат- коммуникацион технологияларидан фойдаланиш;
- ахборот коммуникацион технологиялардан фойдаланиш соҳасида илғор хориж тажрибаларидан воқиф бўлиш ва уларни тингловчиларга етказиш, ахборот коммуникацион технологияларни соҳага кўллаш бўйича назарий ва амалий билимларни, кўникма ва малакаларни шакллантиришдан иборат.

Модул бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма, малака ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

«Рақамли иқтисодиётда ер муносабатларини тартибга солиш» модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман(шаҳар)лар Давлат хокимиёт органларининг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатларини; рақамли иқтисодиётда ер муносабатларини тартибга солиш усулларини **билиши** керак;

-ер тузишни лойихалашнинг автоматлаштирилган тизим маълумотларидан фойдаланиш, бошланғич маълумотларини киритиш; лойихалашда автоматлашган тизимларни кўллаш**кўникмаларига**эга бўлиши зарур;

– рақамли иқтисодиётда ер муносабатларини тартибга солиш; ер муносабатларини тартибга солиш фаолиятида янги инновацион технологияларни қўллаш **малакаларига** эга бўлиши керак;

-еर муносабатларини тартибга солиш соҳасига оид МДХ ва чет эл давлатлари тажрибасини тахлил этиш ва натижаларини умумлаштириш; ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини ўтказиш муаммоларини аниқлаш **компетенцияларига**эга бўлиши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Рақамли иқтисодиётда ер муносабатларини тартибга солиш” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Модулни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий инновацион усуллари, педагогик технологиялар ва аҳборот -коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компютер технологиялари ёрдамида тақдимот ва электрон-дидактик материалларидан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс -сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерфаол таълим усулларидан фойдаланиш назарда тутилади.

Модулининг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Рақамли иқтисодиётда ер муносабатларини тартибга солиш” модули мазмуни ўқув режадаги “Ер тузишни лойиҳалашда рақамли технологиялар”, “Ер кадастрини юритишида инновацион технологиялар” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг таълим жараёнида ер тузишда, ер муносабатларини тартибга солишда рақамли технологиялар тизимларидан фойдаланиш бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қиласди.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар таълим жараёнида рақамли технологиялардан, катта маълумотлар ва виртуал реаллик тизимларидан фойдаланиш ва амалда қўллашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

	Модул мавзулари	Ҳаммаси	Масоғави й	Аудитория	жумладан		
					назарий	амалий	машғуло
1.	Ер муносабатлари ҳукуқ тизимининг бир қатор соҳаларида тартибга солиш предмети	4		4	2	2	
2	Маъмурий - субъектлар ўртасида ҳудудлар чегарасини белгилаш, фуқаровий – ер участкалари билан боғлиқ битимларни амалга ошириш, молиявий – ердан фойдаланганлик учун ер солигига тортиш, аграр ҳукуқда қишлоқ хўжалик экинларини парвариш қилиш учун фойдаланиш	4		4	2	2	
3	Ҳукуқий тартибга солиш предмети сифатида ер муносабатларининг ҳудудий базис, мулкий, ер-ишлиб чиқариш каби турли кўринишлари	4		4	2	2	

4	Рақамли иқтисодиёт шароитида ер муносабатларини тартибга солишнинг хусусияти уларнинг иқтисодий характерга эга эканлиги	8		8	2	2	4
	Жами:	20		20	8	8	4

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1- маъруза

Ер муносабатлари ҳуқуқ тизимининг бир қатор соҳаларида тартибга солиш предмети

2 соат

1. Ер муносабатлари, унинг асосий белгилари ва тизими.
2. Ер муносабатларини тартибга солувчи қонунлар ва қонуности ҳужжатлари тизими.

2- маъруза

Маъмурий - субъектлар ўртасида ҳудудлар чегарасини белгилаш, фуқаровий – ер участкалари билан боғлиқ битимларни амалга ошириш, молиявий – ердан фойдаланганлик учун ер солигига тортиш, агарар ҳуқуқда қишлоқ хўжалик экинларини парвариш қилиш учун фойдаланиш

2 соат

1. Маъмурий - субъектлар ўртасида ҳудудлар чегарасини белгилашда фойдаланиш,
2. Фуқаровий – ер участкалари билан боғлиқ битимларни амалга оширишда фойдаланиш.
- 3 Молиявий – ердан фойдаланганлик учун ер солигига тортишда фойдаланиш
- 4.Агарар ҳуқуқда қишлоқ хўжалик экинларини парвариш қилиш учун фойдаланиш

3 -маъруза

Ҳуқуқий тартибга солиш предмети сифатида ер муносабатларининг ҳудудий базис, мулкий, ер-ишлиб чиқариш каби турли қўринишлари

2 соат

1. Тартибга солиш предмети сифатида ермуносабатларини ҳудудий базис қўриниши.
2. Тартибга солиш предмети сифатида ермуносабатларини мулкий базис қўриниши.
3. Тартибга солиш предмети сифатида ермуносабатларини ер-ишлиб чиқариш қўриниши.

4- маъруза

Рақамли иқтисодиёт шароитида ер муносабатларини тартибга солишнинг хусусияти уларнинг иқтисодий характерга эга эканлиги

2 соат

1. Рақамли иқтисодиёт шароитида ер муносабатларини тартибга солишнинг хусусияти.
2. Рақамли иқтисодиёт шароитида ер муносабатларини иқтисодий характери

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ

1-амалий машғулот: Ер муносабатлари ҳуқуқ тизимининг бир қатор соҳаларида тартибга солиш предмети(2 соат)

2-амалий машғулот : Маъмурий - субъектлар ўртасида ҳудудлар чегарасини белгилаш, фуқаровий – ер участкалари билан боғлиқ битимларни амалга ошириш, молиявий – ердан

фойдаланганлик учун ер солигига тортиш, аграп хукуқда қишлоқ хўжалик экинларини парвариш қилиш учун фойдаланиш (2 соат)

3- амалий машғулот :Хуқуқий тартибга солиш предмети сифатида ер муносабатларининг худудий базис, мулкий, ер-ишилаб чиқариш каби турли қўринишлари (2 соат)

4-амалий машғулот:Рақамли иқтисодиёт шароитида ер муносабатларини тартибга солишнинг хусусияти уларнинг иқтисодий характерга эга эканлиги (2 соат)

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“SWOT-таҳлил” методи.

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, тақорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласди.

S – (strength)	• кучли томонлари
W – (weakness)	• заиф, кучсиз томонлари
O – (opportunity)	• имкониятлари
T – (threat)	• тўсиқлар

Намуна: Рақамли ДКЯТни юритишида инновацион технологияларни жорий қилиши усуllibарининг SWOT таҳлилини ушибу жадвалга туширинг.

S	Диспозитив усульнинг афзалик томони	ДКАТни юритишида обьектларни микдор ва сифат кўрсаткичларини тизимлаш алгоритмини ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ.
W	Диспозитив усульнинг камчилик томонлари	Худудлар давлат кадастрини юритиши туманларда тўлиқ жорий қилиш ва мутахассислар малакасини ошириб бориш курсларини очиш.
O	Диспозитив усульнинг имкониятлари	Шаффоғаник ва ишончли ахборотлар олиш имкониятлари яратилади.
T	Тўсиқлар (ташқи)	Диспозитив усулни қўллаш учун молиявий ҳаражатлар талаб қилинади.

«ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хulosалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хulosалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўнікмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

Ф	• фикрингизни баён этинг
С	• фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
М	• кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг
У	• фикрингизни умумлаштиринг

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:
- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯхий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тез ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна.

Фикр: “Рақамли ер кадастрини юритиш учун чегара белгиларини ўрнатиш амлдаги услубларга нисбатан афзал туради”.

Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

“Хулосалаш” (Резюме, Веер) методи

Методнинг мақсади: Бу методмураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характердаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заرارлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантикий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришига ҳамда тингловчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, химоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гурӯхлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гурӯхларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гурӯхга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни тарқатади;



ҳар бир гурӯх ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мuloҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қиласди;



навбатдаги босқичда барча гурӯхлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва мавзужакунланади.

Намуна:

Ер кадастри аҳборотларини тизимлаш усуллари			
Императив усул		Диспозитив усул	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги

“Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитиши амалга оширишга қаратилган метод хисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида кўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Качон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-bosқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан танишириш	якка тартибдаги аудио-визуал иш; кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ахборотни умумлаштириш; ахборот таҳлили; муаммоларни аниқлаш
2-bosқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-bosқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил килиш; муқобил ечимларни танлаш
4-bosқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	якка ва гурӯҳда ишлаш; муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш; якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг(индивидуал ва кичик гурӯҳда).
- ДКЯТизимини тўлиқ ишга тушириш учун бажариладагин ишлар кетма-кетлигини белгиланг (жуфтликлардаги иш).

“Ассесмент” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўнікмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўнікмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташхис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида тигиловчиларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга кўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

“Инсерт” методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

-ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;

-янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;

-таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда тигловчилар ёки қатнашчиларга қўйидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангац, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод тингловчилар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

-иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;

-тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гурӯҳли тартибда);

-тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;

-белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини үқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;

-ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

“Блиц-ўйин” методи

Методнинг мақсади: Тингловчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш қўнікмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш мақсадида қўллаш самарали натижаларни беради.

Методни амалга ошириш босқичлари:

1. Дастрраб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гурӯхларга бирлаштиради ва гурӯх аъзоларини ўз фикрлари билан гурӯхдошларини таништириб, баҳсласиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гурӯх баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқиши топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гурухлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшилтирилади, ва тингловчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл қўйиш сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидаги фарклар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гурух баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гурух хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гурух хатоларини тўплланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

“ДКЯТизимидағи маълумотлар кетма-кетлигини жойлаштиринг. Ўзингизни текшириб кўринг!”

“Брифинг” методи

“Брифинг”- (инг. briefing-қисқа) бирор-бир масала ёки саволнинг муҳокамасига бағишлиланган қисқа пресс-конференция.

Ўтказиш босқичлари:

Тақдимот қисми.

Муҳокама жараёни (савол-жавоблар асосида).

Брифинглардан тренинг якунларини таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, амалий ўйинларнинг бир шакли сифатида қатнашчилар билан бирга долзарб мавзу ёки муаммо муҳокамасига бағишлиланган брифинглар ташкил этиш мумкин бўлади. Тингловчилар ёки тингловчилар томонидан яратилган мобил иловаларнинг тақдимотини ўтказишида ҳам фойдаланиш мумкин.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1 -маъруза

Ер муносабатлари хуқуқ тизимининг бир қатор соҳаларида тартибга солиш предмети

1. Ер муносабатлари, унинг асосий белгилари ва тизими.
2. Ер муносабатларини тартибга солувчи қонунлар ва қонуности ҳужжатлари тизими

1.1. Ер муносабатлари, унинг асосий белгилари ва тизими.

Ер муносабатларини тартибга солиш деб, -ерлардан оқилона ва самарали фойдаланишни, уни муҳофаза қилишни, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, қулай табиий муҳит яратиш бўйича, мулкчилик хуқуқини ҳимоя қилувчи, ерга эгалик ва ердан фойдаланишни ташкил этишнинг ташкилий, хуқуқий ва иқтисодий тадбирларини комплекс равишда ташкил этишга йўналтирилган тадбирлар тизимига айтилади.

Ривожланган давлатлар тажрибалари шуни кўрсатадики, ер муносабатларини тартибга солиш ва ташкилий бошқарув фақат давлатга тегишли бўлиши керак. Бозор механизми эса амалдаги қонунчилик ва фуқаролар манфаатларидан келиб чиқиб ташкил топади.

Ер муносабатларини давлат томонидан тартибга солишнинг асосий вазифаларига қўйидагилар киради:

-давлатнинг ер ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни яхшилаш;

-худудларни экологик ҳолатини сақлаш ва яхшилаш;

-ердан фойдаланишнинг ҳар-хил мулкчилик шаклларини ташкилий, иқтисодий ва хуқуқий асосларини яратиш.

Республикамизда ер муносабатларини давлат томонидан тартибга солиниши ўз ичига қўйидагиларни олади:

-ердан фойдаланишни бошқаришда уни табиий, ижтимоий ва хўжалик обьекти сифатида қараш;

-ерга эгалик қилиш ва фойдаланишда ҳар-хил мулкчилик турларини шакллантириш;

-ер муносабатлари қатнашчиларини хуқуқларини ҳимоя қилинишини таъминлаш;

-юридик ва жисмоний шахсларнинг ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш бўйича фаолиятларига ноқонуний аралашишларини олдини олиш бўйича давлат томонидан ҳимоя қилиниши, яъни бундай аралашувларга йўл кўймаслик;

-ерни ва атроф-муҳитни бузулишдан сақлаш;

-ер фондини бошқариш тадбирларининг бажарилиши ерга бўлган мулкчилик шаклларидан катъий назар барча учун мажбурийлиги.

Ер муносабатларини тўғри ташкил этилиши ва бошқаришусулларини такомиллаштириш қўйидаги асосий мажбуриятларни бажарилишини талаб этади:

1. Ер муносабатларини тартибга солиш, Ўзбекистон Республикаси Конститутцияси ва Ер Кодекси қонунлари асосида амалга оширилиши керак. Ер муносабатларини тартибга солишнинг хуқуқий меъёрлари ер қонунчилигига мос келиши керак (сувдан фойдаланишда, ўрмон ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланишда);

2. Республика ер қонунчилиги мамлакатда барча ер муносабатларини бошқариш субъектлари учун, ерни муҳофаза қилиш ва ҳисобга олишнинг мажбурий шартларини, ер мониторинги юритилиши, ер тузишни ташкил этилиши, давлат ер кадастрини юритилиши, ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилишда давлат назоратини юритилиши

бўйича ва республика аҳамиятидаги ерларнинг хуқуқий режимини аниқлаш бўйича мажбурий қонунчиликни ўрнатиш;

3. Ер муносабатларини тартибга солиш ер тоифаси, унинг хуқуқий ҳолатидан ва фойдаланиш мақсадидан келиб чиқиб республика ерқонунчилигига асосан амалга ошириш;

4. Ердан фойдаланиш тартиби ернинг у ёки бу тоифасига тегишли эканлигидан келиб чиқиб ер эгаси, ердан фойдаланувчи, мулкдори ер ижарачиси томонидан, ери табиий-қишлоқ хўжалик районлаштирилишидан, уларни минтақаларга ажратилишидан ва ер тузиш ишларини хужжатлаштирилишидан келиб чиқиб белгиланади. Бунда қишлоқ хўжалик ерлари алоҳида муҳофаза этилиши керак: уларни ноқишлоқ хўжалик максадлари йўлида трансформациялаш қонунларда белгиланган тартибда алоҳида ҳолларда амалга оширилади.

5. Ер муносабатларини тартибга солиш жараёнида давлат ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар учун, уларни ердан оқилона ва самарали фойдаланишлари учун, ерларни муҳофаза қилиш ва фойдаланиш даражасини оширишлари учун, ҳудудий ва экологик барқарорликни таъминлашлари учун иқтисодий, хуқуқий ва ташкилий шароитлар яратилиши керак.

6. Ер муносабатларини тартибга солишнинг экологик усусларини ривожлантириш, ердан фойдаланишнинг тўловлигини такомиллаштириш, рента муносабатлари, ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчиларни ердан оқилона фойдаланганликлари учун рағбатлантириш, ердан самарали фойдаланиш ва солиққа тортиш манбааларини ҳосил қилиш йўллари билан амалга оширилади.

7. Ер муносабатларини давлат томонидан тартибга солишни илмий асосланган ҳолда, республика ва унинг минтақаларини ишлаб чиқариш тармоқларини ривожланишини иқтисодий жиҳатдан башоратлаш, табиий ресурслардан фойдаланиш (шу жумладан ер ресурсларидан), ер қонунчилигига асосан амалга оширилиши керак.

8. Ер ресурсларини бошқариш ўз ичига ер ресурсларидан фойдаланишни режалаштириш, ерларни минтақаларга ажратишни, табиий-қишлоқ хўжалик районлаштиришини, ер тузишни, ер мониторингини ва давлат ер кадастрини ўз ичига олади. Узоқ муддатли режалаштириш самарадорлиги ижтимоий-иктисодий дастур, ер тузиш ва шаҳарсозлик ҳамда бошқа хужжатлар орқали амалга оширилади.

9. Давлат қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни муҳофаза этилишини ва фойдаланишини табиий-қишлоқ хўжалик районлаштирилишидан келиб чиқиб таъминлаши керак.

10. Ер муносабатларини тартибга солиш ер кадастри маълумотлари асосида ернинг табиий, хўжалик ва хуқуқий ҳолати ҳамда ўз вақтидаги ахборотлар таъминоти орқали амалга оширилиши керак.

11. Ер ресурсларини муҳофаза қилиш ва фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, қимматбахо қишлоқ хўжалик ва ўрмон хўжалиги ерларини асоссиз равища олиб қуилишидан сақлаш бўйича хуқуқий, ташкилий, иқтисодий, технологик ва бошқа тадбирларни амалга ошириш.

12. Ер муносабатлари субъектлари хукуқ ва мажбуриятлари, ўрнатилган тартиб-қоида, низомларга, ер қонунчилигига амал қилишлари, юридик ва жисмоний шахслар ҳамда фуқаролар томонидан давлатнинг ерни муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш бўйича тадбирларини амалга оширишларини таъминлаш зарур.

Ер муносабатларни тарихий ривожланиш жараёнининг барча босқичларида ҳамма вақт асосий ўринни давлат ўйнайди. У ер муносабатларини тартибга соладиган қонунларни ва бошқа бажарилиши мажбурий бўлган меъёрларни ишлаб чиқади, ер тузишнинг асосий мазмунини ва ўтказилиш тартибини белгилайди. Давлат ўзининг ер сиёсатини ҳаракатдаги қонунчиликка мос равища амалга оширувчи маҳсус органларни яратади. Бунда ер

муносабатидаги ҳар қандай ўзгаришлар маълум назарий ва услубий асосда, бошқача айтганда – илмий асосда амалга оширилади.

1.2. . Ер муносабатларини тартибга солувчи қонунлар ва қонуности хужжатлари тизими

Хозирги кунда ерга оид сиёсатини белгиловчи Ўзбекистон Республикаси қонунлари мураккаб тизимга эга бўлиб, ер-хуқуқий муносабатларни тартибга солишдаги ўрнига қараб қўйидаги турларга бўлиш мумкин:

1. Умумий аҳамиятдаги қонунлар;
2. Махсус аҳамиятдаги қонунлар;
3. Мухофаза аҳамиятдаги қонунлар.

Ерга оид сиёсатни белгилашда иштирок этадиган **умумий аҳамиятдаги қонунларга қўйидагилар** мисол бўла олади:

1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (1996 йил 29 август);
2. Ўзбекистон Республикасининг қонуни “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида” (1992 йил 9 декабр);
3. Ўзбекистон Республикасининг қонуни “Мухофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида” (2004 йил 9 декабр);
4. Ўзбекистон Республикасининг қонуни «Ўрмон тўғрисида» (1999 йил 15 апрел) ва бошқ.

Ушбу қонунларнинг аҳамияти шундан иборатки, **биринчидан**, улар ерга оид сиёсатнинг умумий йўналишларини белгилашда хизмат қилса, **иккинчидан**, ерлардан фойдаланиш ва айниқса уларни муҳофаза қилишда ернинг эқологик-хуқуқий муносабатлар тизимида алоҳида аҳамиятга эга бўлган қоида-талабларни мустахкамлайди.

Ер хуқуқидаги **маҳсус аҳамиятдаги** Ўзбекистон Республикаси қонунларига қўйидагилар киради:

1. Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси (1998 йил 30 апрел);
2. Ўзбекистон Республикасининг қонуни “Давлат ер кадастри тўғрисида” (1998 йил 28 август);
3. Ўзбекистон Республикасининг қонуни “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерларни хусусийлаштириш тўғрисида” (2021 йил 15 ноябрь) ва бошқ.

Ушбу қонунларда ер ресурсларини муҳофаза қилиш, ундан оқилона фойдаланиш ва юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган хуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларнинг мақсади, вазифаси, обьект ва субъектлари, ер участкаларининг хуқуқий ҳолати, ушбу соҳада юридик ва жисмоний шахсларнинг хуқуқлари, мажбуриятлари, эркинликлари, кафолатлари ва давлат хокимияти органларининг ваколатлари, ерга доир қонунчилик талабларини бўзганлик учун юридик жавобгарлик чора-тадбирлари каби ер-хуқуқий қоида талаблари белгилангандир. Шунинг учун ҳам юқорида таъкидланган Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ерга оид муносабатларни тартибга солиш учун қабул қилинган бўлиб, ер хукукининг маҳсус манбаси сифатида эътироф этилади.

Мухофаза аҳамиятидаги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари қўйидагилардан иборат:

1. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (1994 йил 22 сентябр);
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (1994 йил 22 сентябр);
3. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (1996 йил 29 август);
4. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (2007 йил декабр);
5. Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодекси (1995 21 декабр).

Ушбу қонун хужжатлари ҳам ерга доир қоида талабларни белгилаган ҳолда ер хуқуқидаги маҳсус қоида-талаблар билан боғлиқ равишда ер қонунчилигини бўзганлик учун интизомий, маъмурий, жиноий, фуқаролик-хуқуқий жавобгарликни қўллаш, ердан фойдаланганлик учун солиқ ва турли тўловларни тўлаш билан боғлиқ жараёнларни тартибга солади.

Ер хуқукининг манбалари тизимида қонун ости норматив хужжатларининг тутган ўрни бекиёсдир. Қонун ости норматив хужжатларининг асосий мақсади ва вазифаси, конституциявий тамойиллар, қонунларда белгиланган махсус қоида-талабларни амалда қўлланилишини осонлаштириш, маъмурий ҳудудларнинг табиий ҳолати асосида норматив қоида-талабларни белгилаш, уларнинг хаестийлигини таъминлаш ва асосий қоида-талабларни барча юридик ва жисмоний шахсларга этказишдан иборат бўлади. Ер хуқукининг қонун ости норматив хужжатлари ҳам мураккаб тизимга эга бўлиб, ерга оид нормалар доираси, қўлланилиши тартиби, амал қилиш муддати, ҳамда марказий ва махсус давлат бошқарув органлари, махаллий давлат хокимият органлари томонидан қабул қилиниши аҳамиятига кўра қўйидаги шаклларда бўлиши мумкин:

- 1.Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари;
- 2.Вазирлар Махкамасининг қарорлари;
- 3.Махсус ваколатли давлат бошқарув органларининг норматив хужжатлари (қарор, низом, йўриқнома,тартиб,стандарт ва бошқ.);
- 4.Махаллий давлат хокимият органларининг норматив хужжатлари.

2 мавзу Маъмурий - субъектлар ўртасида ҳудудлар чегарасини белгилаш, фуқаровий – ер участкалари билан боғлиқ битимларни амалга ошириш, молиявий – ердан фойдаланганлик учун ер солигига тортиш, аграр хукуқда қишлоқ хўжалик экинларини парвариш қилиш учун фойдаланиш

Режа

1. Маъмурий - субъектлар ўртасида ҳудудлар чегарасини белгилашда фойдаланиш,
2. Фуқаровий – ер участкалари билан боғлиқ битимларни амалга оширишда фойдаланиш.
3. Молиявий – ердан фойдаланганлик учун ер солигига тортишда фойдаланиш
- 4.Аграр хукуқда қишлоқ хўжалик экинларини парвариш қилиш учун фойдаланиш

2.1. Маъмурий - субъектлар ўртасида ҳудудлар чегарасини белгилашда фойдаланиш,

Ер тузишнинг амалиётда энг кўп учрайдиган тури хўжаликлараро ер тузишдир. Хўжаликлараро ер тузиш ер участкаларини жойлаштиришнинг қулай ва оқилона тартибини танлаш, уларни ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва мулкдорларга ажратиб беришда мақсадга мувофиқликни таъминлаш ҳамда ер участкаларига бўлган маъмурий-ҳудудий ва эгалик, фойдаланиш, мулк хукукини яхлитлаш каби масалаларни ҳал қилиш учун амалга оширилади.

Хўжаликлараро ер тузиш ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва мулкдорларнинг ер участкалари жойлашишининг мукаммаллигини таъминлайди, ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ер мулкдорларига ер бўлган тегишли хукуқни тасдиқловчи хужжатларни тайёрлаш учун асос бўлади.

Хўжаликлараро ер тузишни ушбу иборанинг маъносига қараб, факат хўжалик юритувчи субъектлар, яъни хўжаликлараро ўртасидаги ер тузиш деб, тушинмаслик керак. Зотан, у биргина хўжаликлар ўртасида эмас, балки огуллар, қишлоқлар, қўрғонлар, туманлар, шаҳарлар ва вилоятлар чегараларини амалда белгилаш (*ўзгартириши*) ишларини ҳам ўз ичига қамраб олади. Демак, хўжаликлараро ер тузишнинг маъноси жуда кенг маънони англашар экан.

Хўжаликлараро ер тузишга қўйидагилар киради:

- огуллар, қишлоқлар, қўрғонлар, туманлар, шаҳарлар, вилоятларнинг чегараларини жойида белгилаш;

- ерга эгалик қилувчиларни, ердан фойдаланувчиларни, ижарачиларни, ер мулкдорларини янгитдан ташкил қилиш, уларга ер ажратиш ва мавжуд ер участкаларини қайта тартибга солиш, уларнинг ноқулай жойлашувини бартараф этиш;

- давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун корхоналар, муассасаларга ва ташкилотларга ер олиб бериш лойиҳаларини тузиш;

- ер участкаларини жойлашган жойида ажратиб бериш, ерга эгалик қилишга ёки фойдаланишга хуқуқ берувчи юридик хужжатларни тайёрлаш;

- янги ерларни ўзлаштириш, қишлоқ хўжалик ерларини яхшилаш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, ошириш, бузилган ерларни тикилаш (рекультивация қилиш), тупроқни сув ва шамол эрозиясидан сақлаш, селдан, ерни шўрланишдан, сув босищдан, ботқоқланишидан, куриб қолишидан, зичланишидан, ишлаб чиқариш чиқиндилари, радиоактив, кимёвий моддалар билан заҳарланишидан сақлаш бўйича лойиҳалар тузиш;

- барча ерларни рўйхатдан ўтказиш ва фойдаланмайдиган, самарасиз фойдаланилаётган ёки мақсадга мувофиқ фойдаланилмаётган ерларни аниқлаш;

- ер ресурсларини баҳолаш, ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш бўйича ер тузиш хужжатларини тайёрлаш;

- ерларни баҳолаш (*бонитетлаш*) бўйича тадбирлар ўтказиш.

Хўжаликлараро ер тузиш босқичма-босқич амалга оширилади. Бунда дастлаб тайёргарлик ишлари кўрилади, яъни ер участкасининг хуқуқий мақоми, табиий тавсифлари ва унга эгалик қилмоқчи ёки фойдаланмоқчи бўлган субъектлар тўғрисида барча маълумотлар йиғилади ва ўрганилади. Ундан кейинги босқичда тегишли лойиҳа тузилади, кўриб чиқилади ва тасдиқланади. Ниҳоят, охирги босқич – тасдиқланган лойиҳани жой (*натура*)га кўчириш ва ер тузиш хужжатларини тайёрлаш.

Қишлоқ хўжалик корхоналари билан ноқишлоқ хўжалик (*саноат, транспорт, энергетика ва ҳ.к.*) корхоналари иштирокидаги ер тузиш бир-биридан фарқ қиласи. Қишлоқ хўжалик корхоналарига ер ажратишида амалга ошириладиган ер тузишда дехқончиликка ярайдиган ерларни жалб қилиш кўзда тутилади. Ноқишлоқ хўжалик корхоналарига ер ажратишида олиб бориладиган ер тузишда дехқончиликка яроқли бўлмаган ерларни ажратиши тамойилига риоя қилинади.

Ҳар хил хўжаликлар ташкил қилиш лойиҳаларини тузишда хоҳ у қишлоқ хўжалиги корхонаси хоҳ ноқишлоқ хўжалиги корхонаси бўлсин ер тузиш уларнинг техник-иктисодий маълумотларига, тегишли жойдаги атроф-табиий муҳит кўрсаткичларига, иктисодий шароитга ишлаб чиқариш тавсифларига асосланади.

Хўжаликлараро ер тузиш натижасида ҳар бир хўжаликка берилган ернинг ҳажми, жойлашган жойи ер участкасининг бошқа кўрсаткичлари ва улар фаолиятини тезкорлик билан ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қилиши керак.

Хўжаликлараро ер тузиш лойиҳаси чизма ва ёзма қўринишидаги хужжатлардан иборат бўлади.

Чизма қисми лойиҳани мазмунини кўрсатдаиган битта ёки бир нечта тархлардан иборат бўлади.

Ёзма қисми ердан фойдаланувчи хўжаликни ташкил қилиниши бўйича давлат органларининг тегишли хужжатлари, ерга эгалик қилувчилар, ердан фойдаланувчилар ва ташкилотлар хуқуқлари тўғрисидаги хужжатлар, лойиҳанинг тегишли томонлар билан келишилганлиги тўғрисидаги хужжатлар, тушунтириш хатлари ҳамда хўжаликлараро ер тузиш лойиҳасини асослаш бўйича сонлик маълумотлардан иборат бўлади.

Тузилган хўжаликлараро ер тузиш лойиҳаси тасдиқлангандан сўнг жойига кўчирилади. Ундан кейин ерга эгалик қилувчи, ердан фойдаланувчиларга тегишли хужжатлар

тайёрланиб топширилади. Бу ҳужжатларнинг таркиби, топширилиш ва сақланиш тартиби меъёрий ҳужжатлар билан белгиланади.

Хўжаликларо ер тузиш лойиҳаси Илмий-техника Кенгашда кўриб чиқилгандан сўнг вилоят ҳокими томонидан тасдиқланади. Юридик ва жисмоний шахсларга ер ажратиш тўғрисидаги лойиҳалар қонунда кўрсатилган тартибда ваколатлар доирасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари томонидан тасдиқланади.

Ички хўжалик ер музии тури қишлоқ хўжалиги кохоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ҳудудини ички хўжалик негизида белгилаб олиб, илмий асосланган алмашлаб экишни жорий қилишни, барча қишлоқ хўжалик ерларини (*пичанзорлар, яловлар, боғлар, токзорлар ва бошқалар*) тупроқ эрозиясига қарши кураш тадбирларини ишлаб чиқишни, шунингдек суғориладиган ерларни тўла реконструкциялашни ўз ичига олади.

Ер тузишнинг хўжаликларо ва ички хўжалик ер тузишни бир-бири билан қарама-қарши қўйиб бўлмайди, аксинча айрим ҳолларда улар бир-бирларини тўлдиради. Жумладан, ички хўжалик ер тузиш ишлари амалга оширилаётганда хўжаликларо ер тузиш ишлари ҳам амалга оширилиш мумкин. Бундай ҳолатлар қишлоқ хўжалиги корхоналарини қайта тузатганда, янги фермер хўжаликларини тузатганда, ўзаро қўшни бўлган ердан фойдаланиш ва уларнинг ер муносабатлари тартибга солинаётганда вужудга келиши мумкин.

Ички хўжалик ер тузиш ерга эгалик килувчи, ердан фойдаланувчиларнинг ташаббусига биноан ердан ишлаб чиқаришнинг юқори даражада фойдаланишга эришиш мақсадида ҳамда у билан чамбарчас боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнини амалга оширишдан иборат.

Ички хўжалик ер тузишнинг замирида бир қанча масалаларни ҳал этиш ётади. Бу жараёнда табиий қишлоқ хўжалик минтақаларига бўлиш ҳужжатлари асосида ер турлари, фойдаланилмаётган ва унумсиз фойдаланаётган ерлар аниқланади, улардан фойдаланишни яхшилаш бўйича таклифлар тайёрланади.

Қишлоқларнинг жойлашиши, кенгайиши, шахсий томорқа хўжаликлари ривожланишини ҳисобга олган ҳолда хўжалик ичидағи тармоқларга ер тақсимлаш ҳам ички ер тузиш ҳужжатларига асосланади.

Ички хўжалик ер тузиши асосида бир турдаги тупроқ-мелиоратив шароитлари бўйича ер участкалари гурӯхланади, ҳар бир турдаги ер участкасидан фойдаланиш тартиби, муҳофаза қилиш, тупроқни тиклаш бўйича лойиҳа ишлари, қишлоқ хўжалигига ердан фойдаланиш нормативлари ва талаблари белгиланади.

Юқорида айтилганлардан ташқари ички ер тузишда яна қўйидаги масалалар ҳал этилади:

- маблағ талаб қиласидан мелиорация ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш тадбирлари ишлаб чиқилади, уларнинг муддатлари, ҳажми, нарҳи ва иқтисодий фойдалилиги аниқланади;
- боғ, узумзорлар, дарахтзорлар жойлаштирилади, алмашлаб экиш тизими амалга оширилади ва ер майдонларини тартибга солиш бўйича лойиҳалар ишланади;
- меъёрий ҳужжатлар бўйича ер солиғининг миқдорини ишлаб чиқиш, ер участкаларини баҳолаш тизимини жорий этиш ернинг сифатини ва жойлашган жойини аниқлаш.

Фермерлар, дехқон хўжаликлари ва қишлоқ хўжалик корхоналари ички тузилмалари (*бўлим, пудратчилар жамоаси*)нинг ердан фойдаланишига ҳам ички ер тузиш ишлари жорий

қилинади. Аммо уларнинг ички ер тузилиши ишларининг ҳажмининг камлиги ва бошқа ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиниб, бу иш ўзгачароқ тартибда ўтказилиши мумкин.

Ички хўжалик ер тузиш харита чизма хужжатлари, тупроқшуносликнинг геоботаника, гидрология, мелиорация ва бошқа масалалари бўйича ўрганиш ҳужжатлари, ернинг баҳоси ва сифати тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек олдин бажарилган ер тузишнинг башорати ва лойиҳалари асосида амалга оширилади.

Ички хўжалик ер тузиш ҳам хўжаликлараро ер тузишдагидек босқичларда амалга оширилади.

Ички хўжалик ер тузиш хўжаликнинг келажақдаги ривожланиш режаси ва лойиҳа ишини бажариш бўйича берилган топшириғига биноан бажарилади. Ички хўжалик ер тузиш комплекс равищда ва ўрнатилган ер майдонини ташкил қилишга тааллуқли икки қисм, яъни олдин умумий ва кейин аниқ масалаларни ҳал этишдан иборат. Лойиҳада ер участкасини бириткиришни иқтисодий томондан асослаш ва хўжалик ичida ишлаб чиқариш бўлинмаларини Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси” талаблари билан тўлиқ боғланган ҳолда ер участкаларига эгалик қилишда ёки фойдаланишда турли хўжалик юритиш шаклларининг хусусиятлари эътиборга олинади.

Ички хўжалик ер тузища қишлоқларни, ишлаб чиқариш марказларини, қишлоқ хўжалик ва ўрмон хўжалик корхоналарини жойлаштиришда ва бошқа қишлоқ хўжалик ерларини белгилашда алмашиб экиш, эрозияга қарши кураш, мелиорация тадбирлари, шунингдек озуқа экинлари майдонларини яхшилаш бўйича қилинадиган тадбирлар лойиҳа даражасида бажарилади.

Ички хўжалик ер тузиша икки чизма ва ёзма лойиҳа қисмидан иборат бўлади. Чизма қисмида лойиҳанинг ва ердан фойдаланиш ёки ерга эгалик қилиш режаси, дала текширув чизмаси, олдинги қишлоқ хўжалик экинларининг тури, харитаси ва бошқа хужжатлар, лойиҳа ёзма қисмида эса лойиҳани тузиш бўйича топшириқ, иқтисодий масалалар асосланган маълумотлар, ҳисбот маълумоти, жадвалларни кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва бошқалар бўйича баённомалардан иборат бўлади.

Қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги корхоналари бўйича тузилган ички ер тузиш лойиҳалари туман ҳокимияти томонидан тасдиқланади. Лойиҳага ўзгартериш киритиши, лойиҳани тасдиқлаган органнинг розилиги асосида бажарилади.

2.2. Фуқаровий – ер участкалари билан боғлиқ битимларни амалга оширишда фойдаланиш

Ер участкаларига бўлган хуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш. Ер участкаларига бўлган мулк хуқуқи бундай хуқуқка оид давлат ордери, олди-сотди шартномалари ва ер участкаларига мулк хуқуқи юзага келиш учун асос бўладиган қонун хужжатларида назарда тутилган хадя этилганлиги, алмаштирилганлиги тўғрисидаги битимлар ва бошқа хужжатлар асосида тартибга солинади.

Ер участкаларига эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш хуқуқи тегишли органларнинг ер бериш тўғрисидаги қарорлари асосида рўйхатдан ўтказилади.

Ерни ижарага олиш хуқуқи ер участкасини ижарага олиш шартномаси асосида рўйхатдан ўтказилади.

Сервитутлар ва ерга бўлган хуқуқларни бошқа чеклашлар суд қарорлари асосида ҳам рўйхатдан ўтказилади.

Ер участкасидан ўзгаларнинг ҳам қисман фойдаланиши мумкинлиги давлат ҳокимияти органларининг қарорлари ёхуд қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа хужжатлар асосида рўйхатдан ўтказилади.

Бинога, иморатга ва иншоотга бўлган мулк хукуки бошқа шахсга ўтиши натижасида юзага келган ер участкасига эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш хукуки ана шу мулкдорларнинг олди-сотдиси, алмаштирилганлиги, ҳадя этилганлиги, васият қилинганлиги тўғрисидаги тегишли шартномалар ва бошқа шартномалар, мулкдорларнинг ёки улар томонидан вакил қилинган орган ёки шахсларнинг қарорлари, шунингдек бинога, иморатга, иншоотга мулк хукуки ундан бошқага ўтаётган шахснинг ер участкасига тегишли хужжатлари (*тегишли давлат ҳокимият органларининг қарори билан расмийлаштирилгандан кейин*) асосида рўйхатдан ўтказилади.

Ер участкаларига бўлган хукукларни давлат рўйхатидан ўтказиш натурада ер участкалари чегаралари аниқлангандан, расмийлаштиришнинг рўйхатдан ўтказиш йифими тўлангандан ва хужжатлар берилгандан кейин туман (*шаҳар*) ер кадастри дафтарнинг таркибий қисми ҳисобланган ер участкаларига бўлган хукуклар Регистрида амалга оширилади.

Ерларнинг микдори ва сифатини ҳисобга олиш. Ерларнинг микдори ва сифатини ҳисобга олиш уларнинг ҳақиқий ҳолати ва ерлардан фойдаланишига қараб, ер участкалари ва майдонлари, аҳоли пунктлари, туманлар, вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва умуман Ўзбекистон Республикаси бўйича амалга оширилади.

Ер участкалари бўйича ер микдорини ҳисобга олиш ер участкаларининг ўлчами, уларнинг қиммати ва талаб қилинадиган ўлчаш аниқлигига қараб, геодезик ва картометрик усувларда амалга оширилади.

Ер майдонлари бўйича ер микдорини ҳисобга олиш ер участкалари доирасида асосан картометрик усуlda амалга оширилади.

Ер сифатини ҳисобга олиш табиий қишлоқ хўжалиги бўйича районлаштиришни, тупроқ ва ерларни таснифлашни, уларни агрономик, экологик, технологик ва шаҳарсозлик белгилари бўйича тавсифлашни, тупроқни гурухларга ажратишни ўз ичига олади.

Ерларни қиймат жиҳатдан баҳолаш. Турли мақсадларга мўлжалланган ерлардан фойдаланиш самарадорлигининг ҳозирги вақтдаги даражасини аниқлаш, келажакда уни амалга ошириш имкониятларини таҳлил қилиш, асослаш, ер солиги ва бошқа тўловларни, унинг норматив баҳосини ҳисоблаб чиқариш, ерларни давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйишда йўл қўйилган нобудгарчилик ва қўрилган заарларни қоплаш, ерлардан оқилона ва самарали фойдаланишини рағбатлантириш учун амалга оширилади.

Барча тоифадаги ерларни баҳолаш қонун хужжатларида белгилangan тартибда натура (*ерларнинг ҳар бир тоифаси учун ўзига хос бўлган*) ва қиймат қўрсаткичлари тизими ёрдамида амалга оширилади.

Ерларнинг қиймат баҳосига ва тупроқ бонитетига доир маълумотлар ер баҳосига оид ахборотни ташкил этади.

Ерларни рўйхатга олиш, ҳисобга олиш ва баҳолашга доир асосий ва жорий ахборотлар ер кадастри ахбороти мажмuinи ташкил этади.

Ер кадастрига доир маълумотларнинг ишончлилиги учун давлат ер кадастрини юритиши вазифаси юклangan хизматларнинг ваколатли шахслари, шунингдек ер участкалари эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачилар ва ер участкалари мулкдорлари жавоб берадилар.

Ер майдонлари тупроқ сифатини ва табиий унумдорлигини чамалашда тупроқ бонитировкаси деб аталувчи баҳолаш тизими қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси «Давлат ер кадастри тўғрисида»ги Қонуннинг 18-моддасига биноан тупроқ бонитировкаси – қишлоқ хўжалиги экинлари агротехникиаси ўртача даражада бўлганидаги тупроқ сифати ҳамда табиий унумдорлик қувватига бериладиган қиёсий баҳо.

Тупроқ бонитировкаси қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг келгуси қиймат баҳосини чиқариш, мулкий пайларнинг миқдорини аниқлаш, ер тузишни амалга ошириш ва ерлардан оқилона, самарали фойдалаишни рағбатлантириш учун асосдир.

Тупроқ бонитировкаси тегишли қишлоқ хўжалиги майдонлари учун юз балли шкала бўйича ўтказилади. Ер участкасининг балл бонитети қанча юқори бўлса, унинг сифати ва қиймати шунчалик юқори бўлади ҳамда ундан юқори ҳосил олиш кўзда тутилади.

2.3. Молиявий – ердан фойдаланганлик учун ер солигига тортишда фойдаланиш

Ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг иқтисодий механизмини таъминлашнинг умумий чора-тадбирлари Ўзбекистон Республикасининг Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунда белгиланган бўлсада, ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш билан боғлиқ иқтисодий муносабатларнинг ҳуқуқий асослари алоҳида қонун хужжатларн билан тартибга солнингандир жумладан, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 2- 15% 28ч 37-, 61~, 82-, 86-88- моддадирида, Солик кодексининг 30-31 бобларида, Ўзбекистон Республикасининг "Давлат ер кадастри тўғрисидн"ги қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2000 йил 27 мартағи 1118-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солик қўмитасининг 2002 йил 21 январдаги 19-сон ва 20-сон қарори билан тасдиқланган "Ер солигини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги ва Молия вазирлиги ва Давлат солик қўмитасининг 2002 йил 31 январдаги 29-сон ва 2002 йилдаги 27-сон қарори билан тасдиқланган "Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан ягона ер солигини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги йурикномаларда бевосита ўз ифодасини топган.

Шунингдек, ер билан боғлиқ иқтисодий-ҳуқуқий муносабатлар бир қатор қонун ости хужжатларида, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 июлдаги "Юридик шахслар ва фуқароларнинг бинолари ҳамда иншоотлари билан банд бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида"ги 3780-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 29 майдаги "Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган заарларни қоплаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 97-сонли қарори ва бошқаларда кўришимиз мумкин.

Ҳақ тўлаш табиатдан фойдаланишнинг муҳим тамойилларидан бўлиб, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ, бир қатор мақсадларга эришишни таъминлайди: биринчидан, табиий ресурслардан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш давлат ва маҳаллий бюджетни тўлдириш манбаси бўлиб хизмат қиласи; иккинчидан, тўловларнинг муҳим мақсади - табиатдан фойдаланувчиларни ўзлари фойдаланганликлари учун ҳақ тўлайдиган ресурслардан оқилона фойдаланишларини рағбатлантириш ҳамда уларнинг табиатни муҳофаза қилиш фаолиятининг самарадорлигини ошириш.

Ер учун ҳақ тўлаш тушунчаси ўз ичига ерга нисбатан мулк ҳуқуки ва бошқа ашёвий ҳуқуқларга эта бўлиш натижасида келиб чиқувчибарча мажбурий тўловларни қамраб олади , "Ер учун ҳақ тўлаш" тушунчаси замирида ер солиги ва ижара тўлови тушунилади. Ижара тўлови шартнома асосида бслгиланса ер солиги давлат томонидан ердан фойдаланувчинга нисбатан белгиланган мажбурий кўрсатма бўлиб, ўлаштирилиши мумкин эмас . Ер учун ҳақ

тўлаш ҳуқуқий асослари бевосита Ўзбекистон Республикасининг “Ер кодекси” ва Ўзбекистон Республикаси “Солиқ кодекси”га бориб тақалади.

Хусусан, ердан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий принципларидан ҳисобланиши ўзбекистон Республикасининг “Ер кодекси”нинг 2-моддасида тўғридан-тўғри мустаҳкамланган. Мазкур кодекснинг 28-моддасида белгиланишича, ўзбекистон Республикасида ердан фойдаланганлик учун ҳақ тўланади. Ўз эгалигида ва фойдаланишида ҳамда мулкида ер участкалари бўлган юридик ва жисмоний шахслар ер учун ҳақ тўлайдилар. Ер учун ҳақ ҳар йили тўланадиган ер солиғи шаклида олинади, унинг микдори тупроқнинг бонитети, сув билан таъминланиш даражаси, автомобил йўлларига яқин-узоқлиги, таҳар ёки туман марказигача бўлган масофа каби мезонларга қараб, турли коэффициентларда белгиланади.

Ердан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш уни қайта тиклаш мақсадини кўзлайди. Хусусан, Мустақилликнинг илк йилларида “Ўзгидромет”нинг маълумотларига қараганда, республикамиздаги барча ерлар ДДТ билан ифлосланган. Унинг тупроқдаги йўл куйиладиган микдори 0,1 кг/мг бўлгани ҳолда Андижон вилоятининг баъзи ноҳияларида унинг микдори қуйидагича булди; 2580, 2224, 1250 кг/мг. Умуман жумхурият бўйича одганда тупроқнинг ана шу запар билан ифлосланиши жоиз микдоридан 2,5-1,5 баравар ошиб кетган. Ер учун ҳақ тўлаш шу каби салбий ҳолатларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни молиялаштиришни таъминлаши билан ҳам аҳамиятлидир.

Бу борада, даставвал, ер солиғигатўхталадиган бўлсак у ер эгалари, мулқдорлари ва фойдаланувчиларидан ердан фойдаланганлик учун ундириладиган энг асосий ҳақ шаклдаридан биридир. Бундай қоида нафакат Республикализ қонунчилигига балки, Россия Федерациясининг “Ер кодекси” 65-моддаси ҳамда “Ер учун ҳақ тўлаштуғрисида”ги Қонунида ҳамда Украина “Ер кодекси”нинг 206-моддаларида ҳам мустаҳкамланган. Ер солиғи тўғрисидаги қоидалар янги таҳрирдаги ўзбекистон Республикаси “Солиқ кодекси”нинг 12-бўлимида ҳам мустаҳкамланган. Бу ер солиғи бевосита солиқ ва ер қонунчилиги билан узвий боғлиқ, деб хулоса қилишимизга имкон беради.

Ўзбекистон Республикасида “Солиқ кодекси”да белгиланишича, юридик шахслар учун ер солиғини солиш обьекти уларга мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкалари бўлса, ўзбекистон Республикасининг “Солиқ кодекси” 288-моддасига биноан, жисмоний шахслар учун ер участкалари солиқ солиш обьекти қуидагилар бўлади:

1) дехкон хўжалиги юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга берилган ер участкалари;

2) якка тартибда уй-жой қурилиши учун мерос қилиб қолдириладиган, умрбод эгалик қилишга берилган ер участкалари;

3) жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилигини юритиш учун берилган, шунингдек якка тартибдаги гаражлар эгаллаган ер участкалари;

4) хизмат юзасидан берилган чек ерлар;

5) мерос бўйича, ҳадя қилиниши ёки олиниши натижасида уй-жой ва иморатлар билан биргалиқда мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи ҳам ўтган ер участкалари;

6) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мулк қилиб олинган ер участкалари;

7) тадбиркорлик фаолияти юритиш учун фойдаланишта ёки ижарага берилган ер участкалари. Шу ўринда таъкидлаш ўринлики, кўп квартирали уйлар эгаллаган ер участкалари солиқ солиш обьекти бўлмайди.

Ер ҳуқуқига оид адабиётларда ер солиғини белгилаш мезони бўлиб хизмат қилувчи уч жиҳати ажратиб кўрсатилади, булар:

1) ернинг асосий фойдаланишта мўлжалланган мақсади, яъни ер участкасининг қайси ер фонди тоифасига мансублиги;

2) ер сифатияни ер участкасининг муайян хўжалик эҳтиёжлари учун яроқлилиги даражаси;

3) ер участкасининг аниқ жойлашган манзили (*иқтисодий самарадорликнинг юкорилиги, ўйл харажатларининг арzonлигига таъсир этади*).

Соликлар ва бошқа мажбурий тўловларининг, шу жумладан ер солиғи ставкалари, Ўзбекистон Республикасининг “Солик кодекси”нинг 7-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президентиннинг қарори белгиланади.

Шаҳар ва шаҳарчаларнинг маъмурий чегараларида жойлашган қишлоқ хўжалиги аҳамиятига молик ерлар учун ер солиғи қишлоқ хўжалиги ерлари учун белгиланган ставкаларнинг икки баравари миқдорида тўланади.

Кишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун эса, ягона ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби белгиланган бўлиб, бу маълум даражада бошқа мақсаддаги ер участкаларидан фойдаланганлик учун ундириладиган ер солиғидан фарқланади.

Бунда солик солинадиган ер участкаларининг қонун хужжатларига мувофиқ белгиланган норматив қиймати солик солинадиган база ҳамда қишлоқ хўжалигини юритиш учун эгалик қилишга, фойдаланишга ёки ижарага берилган ер участкаси солик солиши объекти ҳисобланади.

Шу ўринда таъкидлаб ўтишимиз лозимки, Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни 14-моддасида ер участкасидан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш белгиланган бўлиб, унинг 3-бандида кўрсатилишича, фермер хўжалиги тегишли лойиҳада назарда тутилган ерни ўз ҳисобидан ўзлаштираётган даврда ва ер ўзлаштириб бўлинганидан кейин беш йил давомида ернинг мазкур ўзлаштирилган қисми учун ягона ер солиғи тўлашдан озод қилинади. “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонунда белгиланган муддатни шартли равища иккига бўлишимиз мумкин:

1- ерни ўзлаштиргунга қадар бўлган муддат;

2- ўзлаштириб бўлгандан кейинги муддат.

Сўнгги ҳолда муддат беш йил қилиб белгиланган бўлса, биринчи ҳолатда қонунда унинг қанча муддатдан иборат бўлиши аниқ қўзда тутилмаган.

Юридик шахсларда ер солиғи бўйича имтиёз ҳуқуклари вужудга келган тақдирда, солик солинадиган база ушбу ҳуқуқ вужудга келган ойдан эътиборан камайтирилади. Ер солиғи бўйича имтиёз ҳуқуқи бекор қилинган тақдирда, солик солинадиган база ушбу ҳуқуқ бекор қилинганидан кейинги ойдан эътиборан ҳисоблаб чиқарилади (*кўпайтирилади*).

Ер солиғи, солик тўловчининг жойлашган еридан қатъи назар ҳудудида ер участкаси жойлашган туман ёкн шаҳарнинг маҳаллийбюджетига тўланади. Агар ер участкаси ҳам туман, ҳам шаҳар ҳудудида жойлашган бўлса, солик худди шу тартибда тўланади.

Ер учун ҳақ тўлашнинг навбатдаги шакли ижара ҳаққибўлиб ҳисобланади. Ижара ҳаққи ҳам ер солиғи каби ердан фойдаланиш учун ҳақ тўлаш шакли бўлиб, улар бир-биридан қўйидаги жиҳатлари билан фарқ қиласи: биринчидан, ижара ҳаққи миқдори томонларнинг келишувига асосан белгиланади, ер солиғи миқдори эса, давлат томонидан ўрнатилади; иккинчидан, ижара ҳақининг миқдори ер солиғига нисбатан бир неча баробар кўп белгиланиши мумкин; учинчидан, ижара ҳаки турли хил шаклларда (*пул, натура, аралаш*) тўланиши мумкин, ер солиғи эса факат пул кўринишида тўланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ижарага берилган ер участкалари учун тўланадиган ижара ҳаки ер солиғига тенглаштирилади. Ер участкаларини ижарага олган юридик шахсларга юридик шахслардан олинадиган ер солиғи ставкалари, юридик шахслардан олинадиган ер солиғини тўловчилар учун белгиланган имтиёзлар, соликни ҳисоблаб чиқариш, солик ҳисоб-китобларини тақдим этиш ва соликни тўлаш тартиби татбиқ этилади.

Ер участкалари ижарага берилганда ер учун ҳақ ижара ҳақи шаклида олинади, унинг миқдори тарафларнинг келишувига мувофиқ белгиланади, лекин у ер солиғи ставкасининг бир бараваридан кам ва уч бараваридан кўп бўлмаслиги керак, ердан қишлоқ хўжалик эптиёжлари учун фойдаланилган тақдирда ер солиғи ставкасининг бир баравари миқдорида бўлади.

Ягона солик тўлови тўлайдиган микро фирмалар ва кичик корхоналар қонун хужжатларига мувофиқ ижарага олинган ер участкалари учун бюджетга ижара ҳаққи тўлашдан озод қилинади. Юридик адабиётларда ижара ҳақи пул, натура ёки бошқа хизматлар, ёпуд аралаш шаклда ундирилиши мумкинлиги ҳақнда фикрлар мавжуд. Бунда уларнинг ҳар бирининг миқдори ва турианик белгиланиши лозим.

Айрим манбаларда ер учун ҳақ тўлашнинг яна бир шакли -ерни норматив баҳоси кўзда тутидган. Бу борада Ж.Г.Холмўминов ҳам ҳақ тўлашнинг мустакил шакли сифатида норматив баҳони кўрсатиб ўтади. Ернинг норматив баҳоси давлатнинг бозор муносабатлари шароитида ер муносабатларини тартибга солишдаги иштироки усувларидан бири. У аксарият ҳолларда ернинг қонунчиликда белгиланган баҳосини давлат манфаатларини таъминлаш мақсадида мустаҳкамлашда ифодаланади. Масалан, у давлат мулкини хусусийлаштириш муносабати билан ер участкасини сотиб олишнинг дастлабки нархини белгилашда намоён бўлади.

Ернинг норматив баҳоси - ер участкаси сифати ва жойлашган манзили қийматини характерловчи ҳамда сотиб олиш нархини белгилаб берувчи кўрсаткич. Ернинг норматив баҳоси мутахассислар томонидан, бир қатор омиллар мажмуини инобатга олган ҳолда аниқланади. Бундай омиллар орасида ернинг қандай мақсадларда фойдаланишга мўлжалланганлиги, яъни унинг қайси ер фонди тоифасига мансублиги мупим аҳамият касб этади.

Ушбу тўлов турини жорий этишдан мақсад - ер участкасига нисбатан мулк хуқуқи бошқа шахсга қўйидаги асосларда ўтганда ер муносабатларини иқтисодий тартибга солиш ҳисобланади:

- 1) ер участкасига нисбатан мулк хуқуқи мерос асосида ўтганда;
- 2) ер участкаси ҳадя этилганда;
- 3) ер участкаси гаровга қўйилиб кредит олинганда.

Ернинг норматив баҳосини белгилашда ундан фойдаланувчилар учун белгиланган имтиёзлар инобатга олинмайди .

Ернинг норматив бапоси кўрсаткичлари унинг сифати, жойлашган жойи қулайликларини ифодалаб, бевосита ер солиғи билан боғлиқ бўлади. У ер участкасининг сотилиши вақтидаги энг қуий чегара сифатида белгиланади.

Ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилишни таъминлаш табиатни муҳофaza қилиш фаолиятини иқтисодий рағбатлантириш воситасида амалга оширилиши мумкин. Иқтисодий рағбатлантириш ерларни муҳофаза қилиш муаммосини тадбиркорлик фаолиятини соддалаштириш йўли билан ҳал қилиш воситаларидан бири бўлиб, мазкур жараёда табиатни муҳофaza қилиш масаласи ҳал этилади.

Иқтисодий рағбатлантириш, бир томондан, солиқка тортиш, имтиёзлар бериш, акциз соҳасида маҳсус сиёsatни амалга ошириш, экологик зарарли маҳсулот ва экологик хавфли технологиялар асосида ишлаб чиқилган маҳсулотлар бўйича маҳсус соликка тортиш тизимини назарда тутади.

Ўзбекистон Республикасининг “Ер кодекси”га назар соладиган бўлсак, унинг 82-моддасида ерлардан оқилона фойдаланишни ва уларни муҳофаза қилишни иқтисодий рағбатлантириш тартиби белгиланган. Унга кўра, ерлардан оқилона фойдаланишни ва уларни муҳофaza қилишни иқтисодий рағбатлантириш ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларнинг тупроқ унумдорлиги сақланиши ва тикланишидан, ерларни ишлаб чиқариш фаолиятининг салбий оқибатларидан ҳимоя этилишидан манфаатдорлигини оширишга қаратилган бўлиб, ўз ичига қўйидагиларни олади:

1) янги ўзлаштирилаётган ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш жараёнида турган мавжуд сугориладиган ерларга қонун хўжатларида белгиланган тартибда ер солиғи бўйича имтиёзлар бериш;

2) ерларни муҳофаза қилиш ва қайта тиклаш бўйича фаолиятни амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахсларга камчиқит ва ресурсларни тежовчи технологияларни жорий этишда солиқка, кредитга оид ва бошқа имтиёзлар бериш;

3) ерларнинг сифатини яхшилашни, илмий асосланган алмашлаб экишини жорий этишни, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигига мўлжалланган ерларнинг унумдорлигини оширишни, экологик соғ маҳсулот этиштиришни рағбатлантириш;

4) ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижаракиларнинг айби бўлмаган ҳолда бузилган ерларни қайта тиклаш учун, зарурат бўлган тақдирда, республика бюджетидан ёки маҳаллий бюджетдан маблағлар ажратиш, агротехника, ўрмон мелиорацияси тадбирлари ва тупроқни ҳимоя қилиш юзасидан бошқа тадбирлар ўтказиш;

5) ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижаракиларнинг айби бўлмаган ҳолда бузилган ер участкаларини вақтинча консервация қилиш натижасида улардан келадиган даромаднинг камайишини давлат бюджети маблағларн ҳисобидан қисман қоплаш ва бошқа тадбирлар.

Бизнингча, қонунчиликда ер солиғи бўйича белгиланган имтиёзлар бир қатор хусусиятлари билан ажралиб туради: биринчидан, ердан фойдаланишнииг нжтимоий аҳамияти билан боғлиқ ҳода; иккчиidan, ерла сифагини яхшилашни рағбатантирувчи итиёлар; алоҳида мақоми ёки ижтимоий-маданий муассасаларни молиявий қуллаб-қувватлаш зарурати билан.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Солиқ кодекси”нинг 282-моддасида ҳам ер солиғи тўлаш билан боғлиқ имтиёзлар кўзда тутилган. Чунончи, унда ер солиғи тўлашдан озод қилинадиган шахслар доираси кўзда тутилган. Масалан, маданият, таълим, соғликни саклаш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ташкилотлари; ногиронларнинг жамоат бирлашмалари; янги ташкил этилган дехқон хўжаликлари (*давлат рўйхатидан ўтказилган ойдан эътиборан икки йилга*); ихтиёрий тутатилаётган тадбиркорлик субъектлари.

Шунингдек, ушбу кодексда солиқ солинмайдиган ер участкалари жумласига қуйидаги ерлар киритилган: боғдорчилик, узумчилик ёки полизчилик ширкатларининг умумий фойдаланишдаги, жамоа гаражларининг ерлари; муҳофаза этиладиган табиий худудларнинг ерлари, соғломлаштириш, рекреация, тарихий-маданий аҳамиятига молик ерлар, сув фонди ерлари, электр узатиш линиялари, уларнинг подстанциялари ва иншоотлари эгаллаган ерлар, умумдавлат аюла линиялари, маданият, халқ таълими ва соғликни саклаш объектлари эгаллаган ерлар, умумий фойдаланишдаги автомобиль, темир йўллар эгаллаган ерлар, шаҳар электр транспорти йўллари ва метрополитен линиялари эгаллаган ерлар, спорт ва жисмоний тарбия-соғломлаштириш мажмуалари, оналар ва болаларнинг дам олиш ҳамда соғломлаштириш жойлари, дам олиш уйлари ҳамда ўқув-машқ базалари эгаллаган ерлар, аполи пунктларининг сув таъминоти ва канализация иншоотлари, магистрал нефть ва газ кувурлари, иссиқлик трассалари эгаллаган ерлар, самолётларнинг учиш-қўниш майдонлари, ерда бошқариш йўлкаларн ва тўхташ жойлари, фуқаро авиацияси аэропортларининг радионавигация на электр-ёритиш ускуналари эгаллаган ерлар, инвестиция дастурига киритилган объектлар қурилиши учун ажратилгай ерлар, норматив қурилиш муддати даврида, консервацияга қўйилши тўғриснда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларн қабул қилинган объектлар эгаллаган ерлар, уларнинг консервацияси даврида гидрометеорология ва гидрогеология станциялари ҳамда постлари эгаллаган ерлар, юридик шахс балансида бўлган ва хўжалик фаолиятида фойдаланилмайдиган фуқаро муҳофазаси ҳамда сафарбарлик аҳамиятига молик алоҳида жойлашган объектлар эгаллаган ерлар, ихота ўрмон дараҳтзорлари эгаллаган ерлар, қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун янги ўзлаштирилаётган ерлар, уларни ўзлаштириш ишлари бажариладиган даврда ва улар ўзлаштирилган вақтдан эътиборан беш йил мобайнида,

мелиорация ишлари амалга оширилаётган мавжуд сугориладиган ерлар, ишлар бошланганидан эътиборан беш йил муддатга, янги барпо этилаё'тган боғлар, токзорлар ва тутзорлар эгаллаган ерлар, дараҳтларнинг қатор ораларидан қишлоқ хўжалиги экинларини экиш учун фойдаланилишидан қатъи назар, уч йил муддатга, илмий ташкилотларнинг қишлоқ хўжалиги аҳамиятига молик ва ўрмон фондидаги ерлари, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги саҳасидаги илмий-тадқиқот ташкилотлари ҳамда ўқув юртларига қарашли тажриба, экспериментал ва ўқув-тажриба хўжаликларининг бевосита илмий ҳамда ўқув мақсадлари учун фойдаланиладиган ерлари. Шу ўринда таъкидлаш зарурки, белгиланган мақсадда бевосита фойдаланилмаётган ер участкаларига ушбу моддада белгиланган имтиёзлар татбиқ этилмайди.

2. 4. Аграр хуқуқда қишлоқ хўжалик экинларини парвариш қилиш учун фойдаланиш

Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерларнинг умумий хусусияти шундан иборатки, бу ерлар қишлоқ хўжалигига асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 1-моддасида ер умуммиллий бойлик, Ўзбекистон Республикаси халқи ҳаёти, фаолияти ва фаровонлигининг асоси сифатида ундан оқилона фойдаланиш зарур ва у давлат томонидан муҳофаза қилинади деб таъкидлангандир. Қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланиш кўзда тутилган барча ерлар, халқ хўжалигини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига тобора ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш мақсадида ер ислоҳоти ва қишлоқ хўжалиги ислоҳоти талабларига мувофиқ қишлоқ хўжалиги юритиш фаолияти билан шуғулланувчилар томонидан фойдаланилади.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар аввало, қишлоқ хўжалиги корхоналарига берилади. Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”да белгиланишича, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар қишлоқ хўжалигини юритиш учун зарур бўлган қишлоқ хўжалиги ерлари ва дараҳтзорлар, ички хўжалик йўллари, коммуникациялар, ўрмонлар, ёпик сув ҳавзалари, бинолар, иморатлар ва иншоотлар эгалланган ерларга ажралади (43-модда). Шунингдек ҳайдаладиган ерлар, ничанзорлар, яйловлар, ташландик ерлар, кўп йиллик дов-дараҳтлар (боғлар, токзорлар, тутзорлар, мевали дараҳт кучатзорлари, мевазорлар ва бошқалар) эгаллаган ерлар ҳам қишлоқ хўжалиги ерлари жумласига киради.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ичida сугориладиган ерлар мухим ўринни эгаллайди. Сугориш учун яроқли бўлган, сув ресурслари шу ерларни сугоришни таъминлай оладиган сугориш манбаи билан боғланган доимий ёки муваккат сугориш тармоғига эга бўлган ерлар сугориладиган ерлар жумласига киради.

Ер участкаларидан фойдаланиш мақсадига қараб қишлоқ хўжалик корхоналари ерлари товар қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиширишга мўлжалланган ҳамда кишлоқ хўжалигига мулжалланмаган ерларга (уй-жойлар, бинолар, иншоотлар, йўллар ва х.к.) бўлинади. Сув билан таъминланганлик даражасига қараб қишлоқ хўжалиги корхоналари ерлари сугориладиган ерлар ҳамда лалми ерлари тоифаларига бўлинади. Юқоридагилардан ташқари, қишлоқ хўжалик корхоналарнинг ерлари хўжалик юритиш шаклига қараб жамоа фонди ерлари ва дехқон хўжалиги юритиш учун ажратилган ерлар тоифаларига бўлинади.

Маълумки барча қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлар кимнинг фойдаланишида бўлишидан қатъий назар, фойдаланиш мақсадлари ҳамда қонунда белгиланган хукукий ҳолатларига кўра маълум умумий ўҳшашликка эга.

Бундай ерлардан, яъни қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлардан фойдаланиш хукукининг субъектлари Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахслар бўлишлари мумкин.

Амалдаги ер қонунчилигига биноан ердан фойдаланувчилар уларга берилган ердан факат қонунда кўрсатилган мақсаддагина фойдаланишлари мумкин. Масалан, қишлоқ

хўжалиги кооперативи (*ширкат хўжалиги*) ўзига берилган ердан асосан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадидагина фойдаланишликка ҳақли.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, қишлоқ хўжалиги корхоналари ўзларига бериб қўйилган ерлардан аввало қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни амалга оширсалар, иккинчи томондан улар ердан ишлаб чиқариш бинолари қуриш, ёрдамчи хўжаликлар барпо этиш, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш, туарар-жой ва маъмурий бинолар, маданий-маиший бинолар қуриш учун ҳам фойдаланадилар.

Қишлоқ хўжалик корхона ва ташкилотларини ер билан таъминлаш амалда хўжаликларо ер тузиш усули билан ўтказилади. Бундай ер тузиш ишлари бажараётган пайтда ер участкаси чегараланади ва унинг чегаралари марзалар билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 32-моддасида, ер участкаси ажратиб берилганда бу участка чегараси натура ҳолида (*ернинг ўзида*) аниқланиб, ўзга участкалардан марта ва бошқа хил чегара белгилари билан ажратиб қўйилади дейилган. Тегишли ер тузиш органлари берилган ер участкаси чегарасини натура ҳолида белгилаганларидан сўнг, ердан фойдаланиш хуқуқини тасдиқловчи ҳужжат берадилар. Бу ҳужжат тегишли ҳокимият органлари томонидан берилади ва ердан фойдаланиш хуқуқини тасдиқловчи ягона юридик ҳужжат бўлиб хисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Ер қонунчилигига кўра, ер участкалари юридик ва жисмоний шахсларга доимий ва муддатли (*вақтинча*) эгалик қилишга ҳамда улардан доимий ва муддатли (*вақтинча*) фойдаланишга берилиши мумкин.

Ер участкалари корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга қишлоқ ва ўрмон хўжалиги юритиш учун, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса, бошқа мақсадлар учун ҳам доимий эгалик қилишга берилади.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар қуидагиларга берилади:

1) қишлоқ хўжалиги кооперативларига (*ширкат хўжаликларига*), бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига - товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини юритиш учун;

2) тажриба-ишлаб чиқариш, ўкув, ўкув-тажриба ва ўкув-ишлаб чиқариш хўжаликлари, илмий-тадқиқот ва бошқа қишлоқ хўжалик муассасалари ва ташкилотларига илмий-тадқиқот ва таълим мақсадлари, товар қишлоқ хўжалигини юритиш ва илфор тажрибани тарғиб қилиб учун;

3) Ўзбекистон Республикаси фуқароларига - фермер хўжаликларини юритиш учун;

4) Ўзбекистон Республикаси фуқароларига - дехқон хўжаликларини, якка тартибда боғдорчилик, полизчилик ва чорвачиликни юритиш учун;

5) Ўзбекистон Республикаси фуқароларига - жамоа боғдорчилиги, полизчилиги ва узумчилиги юритиш учун;

6) Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва хорижий инвесторларга – кластерлар ва агрофималар такшил этиш учун;

7) қишлоқ хўжалиги билан шуғулланмайдиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга - ёрдамчи қишлоқ хўжалигини юритиш учун.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда юридик ва жисмоний шахсларга қишлоқ хўжалигини юритиш, шунингдек ўзга мақсадлар учун берилиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги ерлари ўзга мақсадларда, қоида тариқасида, кейинчалик қишлоқ хўжалик мақсадларида фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтириш шарти билан вақтинча фойдаланишга берилади.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши учун ажратилган ерлар энг қимматли ерлар ҳисобланиб, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган ва саноатни хом-ашёга бўлган эҳтиёжини қондиришда ўта муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам ер қонунчилигига қишлоқ хўжалиги товар маҳсулоти етиштирувчилар ва уларга ер участкаларини бериш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Ўзбекистон Республикасида товар қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчилар жумласига қуидагилар киради:

Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (*ширкат хўжаликлари*), бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари, шу жумладан қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш ва уни реализация қилишни амалга оширувчи қишлоқ хўжалигига ихтисослашган хўжаликларо корхоналар ва ташкилотлар;

ўзларига узоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи, юридик шахс ҳукуқига эга мустақил хўжалик юритувчи субъект бўлган фермер хўжаликлари;

ўзига берилган ер участкасида оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида майдада товар қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиришни ва уни реализация қилишни амалга оширувчи дехқон хўжаликлари;

жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилиги маҳсулотини етиштириш ҳамда реализация қилишни амалга оширувчи боғдорчилик-узумчилик ва полизчилик ширкатлари;

ўзлари етиштирган қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг бир қисмини реализация қилган тақдирда ноқишлоқ хўжалик корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ёрдамчи хўжаликлари.

Қишлоқ хўжалиги товар маҳсулоти етиштирувчиларга ер участкаларини беришда ўзига хос хусусиятлар мавжуд. Жумладан, фойдаланилиши йирик товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини (*нахта ва бошоқли дон экинлари етиштиришини*) ташкил этиш билан боғлиқ қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар устувор равишда юридик ва жисмоний шахслар ва инвесторларга узоқ муддатли ижарага берилади.

Сабзавот-полиз экинлари, картошка етиштириш, боғдорчилик ва узумчилик учун, шунингдек чорвачилик эҳтиёжлари учун белгиланган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар юридик ва жисмоний шахсларга эгалик қилишга (*шу жумладан фуқароларнинг мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишига*) фойдаланишга ёки ижарага берилиши мумкин.

З мавзу: Ҳукуқий тартибга солиш предмети сифатида ер муносабатларининг ҳудудий базис, мулкий, ер-ишлаб чиқариш каби турли кўринишлари

Режа

1. Тартибга солиш предмети сифатида ермуносабатларини ҳудудий базис кўриниши.
2. Тартибга солиш предмети сифатида ермуносабатларини мулкий базис кўриниши.
3. Тартибга солиш предмети сифатида ермуносабатларини ер-ишлаб чиқариш кўриниши.

1. Тартибга солиш предмети сифатида ермуносабатларини ҳудудий базис кўриниши.

Ер муносабатларини давлат томонидан тартибга солишнинг ҳукуқий механизми ўз ичига ер ҳукуқи, ер-ҳукуқий меъёрлар ва ер ҳукуқий муносабатлар манбаларини олади.

Ҳукуқ манбалари давлатнинг ҳукуқшунослик фаолияти натижаси бўлиб, унинг ёрдамида қонун чиқарувчи хошишининг бажарилиши мажбурий тус олади.

Ҳукуқ манбасининг энг кўп тарқалган шаклларидан бири, мос ижтимоий муносабатларни тартибга солишда кўп марталаб қўлланишга қаратилган ҳукуқий меъёрларни белгилайдиган, давлатнинг ваколатли органлари ҳукуқий-меъёрий актлариидир.

Ер ҳуқуки манбалари деганда ваколатли органлар томонидан қабул қилинган ва ер муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрларни ўз ичига олган меъерий ҳуқуқий актлар тушунилади. Давлат томонидан шундай актларни чиқаришга ваколатланган субъектга боғлиқ ҳолда, улар давлат ҳокимияти органлари актлари ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари актларига бўлинади. Ер муносабатларини тартибга солувчи меъерий актлар орасида етакчи ўринни эгалловчи давлат ҳокимияти органлари актлари вертикал (*тиккасига*) бўйича давлат актлари ва субъектлар (*Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар*) актларига, горизонтал бўйича эса-қонунлар ва бошқа меъерий ҳуқуқий актларга бўлинади.

Давлатнинг олий қонунчилик органлари томонидан қабул қилинган қонунлар, ҳуқуқнинг барча бошқа манбаларига нисбатан юридик кучга эга.

Республикамизнинг барча ҳудудларида қонунлар орасида устуворлик олий юридик куч берилган, Ўзбекистон Республикаси Конститутциясига ва Республика қонунларига тегишли.

Республикамиз Конститутцияси талабига биноан барча Ўзбекистонда қабул қилинган бошқа қонунлар ва ҳуқуқий актлар конституцияга мос келиши керак.

Ер қонунчилигининг меъерий ҳуқуқий актлари билан бир қаторда ер ҳуқуки манбаларига, ер муносабатларига талуқли ҳуқуқий меъёрларни ўз ичига олган бошқа тармоқлар қонунчилиги актлари ҳам киради.

Ернинг ва бошқа табиий ресурсларнинг (*сув, ўрмон, қазилма бойликлар, атроф-мухит*) орасидаги ажралмас табиий боғлиқлик (*алоқалар*) ҳуқуқнинг сув, ўрмон, тоғ, табиатни муҳофаза қилиш каби тармоқларда ҳам ер билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи меъёрлар бўлишини тақоза этади. Бу манбалардаги ер муносабатларини тартибга солишга қаратилган меъёрлар, ер ҳуқуқлари меъёрларига мосланган бўлиши керак.

Ер муносабатларини тартибга солиш билан боғлиқ ҳуқуқий меъёрлар жиной ва маъмурий ҳуқуқлар манбаларида ҳам бор бўлиб, уларда ер билан боғлиқ маъмурий ва жиной ҳуқуқбузарликлар мос турлари ва жавобгарлик чоралари кўзда тутилади.

Ер ҳуқуки манбалари орасида ўз-ўзидан юридик кучга эга бўлмаган актлар ҳам ўз ўрнига эга бўлиб, улар давлатнинг маъсул органлари томонидан белгиланган тартибда тасдиқланиши натижасида юридик кучга эга бўлишади. Бўлар жумласига ер муносабатларига тегишли, белгиланган тартибда тузилган, ратификация қилинган ва ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланган халқаро шартномалар киради.

Ер ҳуқуқининг ушбу гурухига давлатнинг ваколатли органлари томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган шартномолар ҳам ёрдамчи ахамиятга эга (*ер ҳуқуқи меъёрларининг мазмунини очишига ёрдам берадиган*) санитария меъёрлари ва талаблари (*объектларни лойиҳалашда, қуришида ва эксплуатация қилишида ерни ва тупроқни муҳофаза қилиши талабларини кўзда тутувчи*) ернинг холатига қўйиладиган талабларни аниқловчи, давлат стандартлари ҳам киради.

Барча ҳуқуқ манбаларига нисбатан олий юридик кучга эга Ўзбекистон Республикаси Конституцияси улар орасида марказий ўринни эгаллайди. Унинг меъёрлари ер ҳуқуки манбаларининг асоси ҳисобланади ва ер қонунчилиги ривожланишининг асосий йўналишини аниқлаш учун бошланғич юридик ассос ҳисобланади. Конститутцияда ер муносабатларни тартибга солишда қаратилган маҳсус меъёрлар мавжуд.

Ер кодекси ер муносабатларини тартибга соладиган, тизимлаштирилган қонунчилик актлари тўплами бўлиб, унда ҳуқуқий меъёрлар ер ҳуқуки тизимиға мос тартибда жойлашади.

А) Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 55-моддасида “Ер умум миллий бойлиқдир, Ўзбекистон Республикаси халқи ҳаёти, фаолияти ва фаровонлигининг асоси сифатида ундан оқилона фойдаланиш зарур ва у давлат томонидан муҳофаза қилинади” дейилган.

Иқтисодий, шу жумладан, ер ислоҳоти даврида ҳуқуқ манбалари орасида ер муносабатларини янги шароитларда тартибга солишга қаратилган айрим қонунлар аҳамиятли ўрин эгаллайди. Бу қонунлар жумласига факат ер муносабатларини тартибга соладиган маҳсус

қонунлар ер ва у билан боғлиқ меъёrlарни ўз ичига оладиган бошқа тармоқлар қонунлари киради. Масалан: Ўзбекистон Республикаси “Фермер хўжалиги тўғрисида”, Ўзбекистон Республикаси “Дехқон хўжалиги тўғрисида”, Ўзбекистон Республикаси “Ижара тўғрисида”, Ўзбекистон Республикаси “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”, Ўзбекистон Республикаси “Мухофаза этиладиган табиий ҳудулар тўғрисида”, Ўзбекистон Республикаси “Ўрмон тўғрисида” ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ўз мазмунига кўра индивидуал (аниқ ҳолатга қўлланиладиган ҳуқуқ меъёrlар) ва меъёрий (янги ҳуқуқий меъёrlарни белгиловчи ва ҳуқуқ манбаси ҳисобланувчи) турларга бўлинади. Ер қонунчилигининг иқтисодий ислоҳотлар даврида ўзгарган ер муносабатлари характерига мос келмаслиги натижасида юзага келган ҳуқуқий вакумни (бўшилиқни) тугатиш зарурати Ўзбекистон Республикаси Президент Фармонлари асосида уларни тезкор тартибга солишини тақозо этади.

Давлат ҳокимияти ижрочи органининг қонун ости ҳуқуқий акти ҳуқуқ манбаси сифатида меъёрий ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси қонунларга, Ўзбекистон Республикаси Президент фармонларига мос ёки улар асосида ва уларни бажариш мақсадида чиқарилади. Иқтисодиётда юз бераётган доимий ўзгаришларга боғлиқ ер муносабатларини тартибга солувчи қонун ости ҳуқуқий актлари ер ҳуқуки манбалари орасида ҳажми бўйича аҳамиятли ўринни эгаллашади. Ер масалалари бўйича қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси Президент фармонларини бажаришнинг ҳуқуқий механизмини талаб этувчи, ер ислоҳоти ва ер муносабатларини қайта ташкил этишини ўтказиш шароитида уларнинг аҳамияти янада ошади.

Ер ҳуқуки манбалари сифатида қонун ости актларининг шакллари, номлари ва қабул килиниш тартиби давлат органининг ижро ҳокимияти тизимидағи ўрнига ва ваколатларига боғлиқ бўлади.

Ҳукумат ижрочи органларининг қонун ости актлари орасида етакловчи ўринни мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бажарилиши шарт бўлган ер ҳукумати қарорлари эгаллайди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентнинг меъёрий фамонлари асосида ва уларни бажариш мақсадида чиқариладиган ер муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқий меъёrlарини ўз ичига олган ҳукумат (*Вазирлар Маҳкамаси*) қарорлари ер ҳуқуки манбалари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари Вилоятлар, туманлар, шахарлар ҳокимиятлари хам ўз ваколатлари доирасида меъёрий ҳуқуқий актларни чиқарилари мумкин. Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5, 6, 7-моддаларида уларнинг ер муносабатларини тартибга солиш бўйича ваколатлари келтирилган.

1-Жадвал

Ер муносабатларини тартибга солишининг ҳуқуқий механизми таркиби

Вазифалар	Меъёрий фаолият даражаси	Меъёрий-ҳуқуқий актлар
Ўзбекистон Республикаси ер муносабатларини шакллантириш	Олий ҳуқуқий	Конституция, Ер кодекси
Айрим масалалар бўйича ер муносабатларини тартибга солиш	Ижро ҳокимиятининг юқори даражаси	Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати (<i>ВМ</i>) қарорлари ва топшириқлари
Ҳуқуқий меъёrlарнинг амалий қўлланилиши	Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари	Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг меъёрий-ҳуқуқий актлари

Ушбу актлар ер муносабатлари тизимининг асосий бўғинлари принципиал мазмунини шаклантиради: ер хукуқи, унга эга бўлишининг шартлари ва усуллари, хукуқни амалга ошириш бўйича ҳаракатлар, хукукий мажбуриятлар шакллари. Бу асосий (*баъзавий*) ечимлар амалга оширилиши учун, ер муносабатларини ташкил этишни таъминловчи, яъни меъёрларни қонуний даражадан амалий даражага ўтказувчи, мос меъёрий таъминотни талаб этади. бу босқичда тизимнинг маҳсус қисмлари, бўлимлари ва элементлари кетма-кет ажратилади ва шакллантирилади, улар мавжуд тажрибани ҳисобга олган ҳолда, уни процессуал ва иқтисодий мазмундаги аниқ меъёрий-хукукий актлар билан тўлдириб, таркиблаштирилади. Процессуал ечимлар тоза хукукий хужжатлар (*мулкий, хўжалик, фуқаролик ва жиноий ҳарактердаги*), иқтисодий ечимлар эса иқтисодий меъёрлар ер бозорини шаклантирувчи (*бахолар, банк фоизлари, меъёрлар, кворталар ва ш.ў*) шаклида ҳамда самарали ердан фойдаланишни таъминловчи имтиёзлар, дотациялар, субсидиялар, солиқлар, жарималар расмийлаштирилади.

Бу ечимларнинг барчаси ўз даражасида хужжат-хукукий ваколатларига айрим масалалар бўйича Ўзбекистон Республика Вазирлар Мажкамаси қарорлари, Вазирликлар ва қўмиталарнинг ер муносабатлари билан боғлиқ, ўз ваколатлари доирасидаги актлари.

Қонунни амалиётга тадбиқ этиш бу билан тугамайди. Бунинг учун яна умумий мақсадни маҳаллий амалиёт билан боғловчи ишчи хужжатлар тизими бўлиши керак. Уларни мос тармоқлар бошқарувчи органлари ишлаб чиқишиди.

Бундай хужжатлар намунавий (*низомлар, қоидалар*) ёки мажбурий (*инструкциялар, кўрсатмалар ва ш.ў*) кўринишида бўлади.

Юқорида кўриб чиқилган хужжатларнинг барчаси тизими ер кодексидан бошлаб, хар хил хукукий даражадаги ва фаолият йўналишдаги қонун ости актлари ҳамда ишчи материалларгача, ер муносабатларини шакллантирувчи ва ҳаракатга келтирувчи меъёрий-хукукий асос ҳисобланади.

Ташкилий ёки иқтисодий ҳарактерга эга хужжатда баён этилган ҳар қандай ечим уни белгиланган тартибда расмийлаштирилганидан ва тасдиқланганидан, яъни унга хукукий акт мақоми берилгандан кейин кучга киради. Хужжат билан расмийлаштирилган бундай ечимлар йиғиндиси хукукий механизми ташкил этади, аниқроғи ер муносабатлари тизимини шакллантиришнинг ва уни давлат томонидан тартибга солишнинг хукукий асосини яратади.

Ер муносабатлари қатнашчиларига таъсири усулларига боғлиқ тарзда, уларни тартибга солувчи меъёрлар моддий-хукукий ва процессуал турларига бўлинади.

Моддий-хукукий ер меъёрлари ер муносабатлари субъектларининг хукуқ ва мажбуриятларини белгиловчи ижобий тартибга солувчи меъёрлар ва тартибга солучи меъёрларнинг бажарилишини таъминловчи меъёр-гарантиялар бўлиши мумкин. Меъёр-гарантиялар ўз навбатида кўйидаги турларда бўлиши мумкин:

у ёки бу ҳаракатни бажарилишини мажбурловчи (*ер солиги ва ижара ҳақини тўлашини*), маълум ҳаражатларни бажарилишини ваколатловчи (*ер участкаларини мулк қилиб, фойдаланишига, ижарага берии*) ва қонуний зарарни қоплаш бўйича мажбуриятларини кўзда тутувчи компенсацион (*масалан ерлар давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олингандা*) бўлиши мумкин.

Процессуал ер-хукукий меъёрлари моддий меъёрлар билан чамбарчас боғлиқ ва биргаликда бўлиб, уларга нисбатан хизмат ҳарактерига эга бўлади. Процессуал меъёрларда моддий меъёрларда кўзда тутилган хукуқ ва мажбуриятларнинг амалий бажарилишини таъминловчи ҳаракатлар тартиби кўрсатилади. Улар давлат органларининг фаолият тартибини, ер муносабатларининг бошқа субъектлари билан биргаликдаги ҳаражатларини, ер тузишни ўтказиш, ер мониторинги ва ер кадастрини юритиш, ер можароларини ечиш тартибини белгилайди.

Мазмuni бўйича процессуал ер-хукукий меъёрлари кўйидаги турларга бўлинади;

- ҳуқук берувчи (*ер берииш тартибини аниқловчи*):
- ҳуқуқни таъминловчи (*ер тузии, ер кадастрини ўтказиши тартибини белгиловчи*):
- ҳуқуқни ҳимояловчи (*ер можароларини ечиши тартибини белгиловчи*):
- ҳуқуқни тутатувчи (*ер участкаларига бўлган ҳуқук тугатишини билдирувчи*).

Ер-ҳуқуқий меъёрларни ер ҳуқуки турлари (*ерга бўлган мулкий ҳуқук, давлат ҳуқуки ва бошк.*) ер тоифаларига боғлиқ тарзда обьект белгилари (*қишилоқ ҳўжалиги ерлари, аҳоли яши жойлари ерлари ва ш.ў ҳуқуқий мақомини аниқловчи меъёрлар*), ер участкаларидан фойдаланишни амалга оширувчи субъектлар (*фуқаролар, фермерлар, саноат корхоналари ва бошк. ерга бўлган ҳуқуқларини белгиловчи, меъёрлар*) бўйича ҳам синфларга бўлиш мумкин.

Ҳуқук меъёрлари ва улардан кўрсатмаларнинг ҳаётга тадбиқ этилиши учун уларнинг бажарилишини таъминловчи механизм керак. Ер-ҳуқуқий меъёрларини амалга ошириш механизми ер муносабатлари қатнашчилари ҳаракатлари таъсир этувчи маъмурий ва иқтисодий чораларидан иборат бўлади.

Ер-ҳуқуқий меъёрларни амалга оширилишнинг маъмурий-ҳуқуқий механизми, ҳуқуқий меъёрларда келтирилган кўрсатмаларни бажаришни мажбурий этадиган, ер муносабатлари қатнашчилари ҳаракатлари таъсир ишламишни аниқловчи мулкдорлари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларнинг ер ҳуқуки ни ва манфаатларини ҳимоялаш, ердан самарали фойдаланишни ва уни муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилган маъмурий таъсирнинг биттаси ер участкаларини бериш ва қайтариб олишда қаттиқ тартиб ўрнатиб ҳисобланади.

Маъмурий-ҳуқуқий таъсир чоралари орасида ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати катта аҳамиятга эга. Унинг вазифасига барча давлат, ширкат корхоналари, ташкилотлари ва муассасалари ҳамда фуқаролар, хорижий жисмоний ва юридик шахслар томонидан ер қонунчилиги талаблари бажарилишини таъминлаш киради. Давлат назорати вазифалари таъсирни аниқловчи мос тарзда хокимиятнинг ваколатли органлари (*Давергеодезкадастр қўмитаси, Экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиши давлат қўмитаси ва бошк.*) ернинг ҳолати ўзгаришини текширишни ва экспертизасини ташкил этади, ер қонунчилигининг ердан фойдаланишнинг белгиланган тартиби бажарилиши, уларни яхшилаш тадбирларининг амалга оширилиши, тупроқдаги салбий жараёнларнинг олдинини олиш ва ш.ў. устидан назоратни ташкил этади.

Маъмурий-ҳуқуқий таъсир чораларининг асосий қисмини маъмурий таъқиқлаш ва маъмурий жавобгарлик чоралари эгаллади. Агар ер муносабатлари қатнашчилари ҳаражатларида ер қонунчилиги бузилиши йўқ, лекин, бундай бузилишларнинг аниқ бўлиши хавфи бўлса, давлатнинг ваколатли органлари уларнинг олдинини олиш чораларини кўради. Бундай чоралар: мажбурий курсатмалар ва бўйруқлар, обьект фаолиятидаги камчиликларни тутатиш бўйича тақдимномалар (*масалан, ер ҳайдашни нотўғри ўтказиши фойдаланиши ва ш.ў*) бўлиши мумкин.

Ер қонунчилиги бузилишининг олдини олишга қаратилган огохлантирувчи чоралардан фарқли ўлароқ қонун бўзилганда, қонун бўзилишини тўгатишга қаратилган ҳуқуқий таъсир чоралари кўрилади. Бунда ваколатли давлат органи ер қонунчилиги бўзилиши тутатишга ва унинг ривожланишини тўхтатишга қаратилган маъмурий-ҳуқуқий чораларини кўради.

Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи органлар маҳаллий хокимиятларга бажарилиши мажбурий бўлган, ишларни тўхтатиш бўйича тақдимнома киритади, агар бу ишлар ер қонунчилигини бузиб амалга оширилаётган бўлса, ер қонунларида кўзда тутилган ерлар тўла ёки қисман ер қонунларини бузиб амалга оширилаётган ишларни тўхтатиш тўғрисидаги прокурор тақдимомаси органга ёки қонун бузилишини тутатишга маъсул мансабдор шахсга киритилади ва тезлик билан кўриб чиқилади.

Ер қонунчилиги бузилишининг салбий оқибатларини тутатиш мақсадида, тикловчи маъмурий-ҳуқуқий таъсир чоралари кўлланилади. Улар қонунни бузган субъектга

ўзбошимчалик билан қурилган иморатни бузиш , бузилган ер участкасини ўз ҳисобидан фойдаланишга яроқли ҳолга келтириш мажбуриятини юклайди.

Ер қонунчилиги талабларини бажариши учун ер қонунларини бузишда айбдор фуқароларнинг хуқуқий жавобгарлиги маълум рағбатлантирувчи аҳамиятга эга.Хуқуқий жавобгарлик интизомий, маъмурий ва жиноий жавобгарлик ҳамда ер қонунчилигини бузиш натижасида келтирилган заарни қоплаш шаклларида амалга оширилади.

Ер ислоҳотини ўтказиш бошлангандан кейин ер-хуқуқий меъёрларни амалга ошириш механизми ер мулкдорлари,ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларни ердан оқилона фойдаланишга ва тупроқ унумдорлигини оширишга қаратилган тадбирларни ўтказишга моддий қизиқтирувчи иқтисодий механизм билан тўлдирилди.

Таъсирнининг иқтисодий механизми ижобий ва салбий характердаги чораларни ўз ичига олади.

Ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш учун тўғридан-тўғри иқтисодий қизиқиши яратувчи ижобий чоралар қонунчилиқда ер участкаларидан фойдаланувчиларни иқтисодий рағбатлантириш шаклида ўз ўрнини топди. (*Ерларни тиклаш ва ердан фойдаланувчилар айбсиз бузилган ерларни вақтинчалик консервациялаши натижасида пасайган даромадларни қисман компенсациялаши (қоплаш) учун бюджетдан маблаглар ажратиши ,дехқон ва фермер хўжаликларини юритаётган фуқароларни, боиша хўжаликлар,корхоналар раҳбарлари ва мутахасисларини ернинг сифатини яхшилаганликлари тупроқ унумдорлигини оширганликлари мукофотлаши*).

Иқтисодий рағбатлантириш кенг маънода ўз ичига ер муносабати иштирокчилари учун салбий характердаги чораларни ҳам олади. Ер участкасидан фойдаланувчининг иқтисодий манфаатларига ердан олинган даромаднинг бир қисмини ундан олиб қўйиш орқали таъсир кўрсатиб салбий иқтисодий таъсир чоралари фойдаланувчиларни ердан самарали фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишга қаратилган хуқуқий меъёрларни бажаришга ундиади. Масалан, ер солиғи ва ижара ҳаққи миқдорини ер эгалари ва ижарачиларнинг хўжалик фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда, ер майдони бирлиги (*1 га*) учун йил давомида ўзгармас тўлов тарзида белгиланиши, ҳеч қандай маъмурий-хуқуқий таъсирсиз ер участкасидан фойдаланувчи учун фойдаланилмаган ёки самарасиз фойдаланилган ерларнинг бўлиши зарага олиб келадиган шароит яратади, сабаби, улардан қанчалик самарали фойдаланилса ер учун тўловлардан кейин қоладиган даромад шунчалик юқори бўлади.

Салбий иқтисодий таъсир чоралари орасида асосий ўринни ер мулкдорларига, ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларга уларнинг ерларини давлат ва жамият эҳтиёжлари учун олиш, ердан фойдаланиш бўйича уларнинг хуқуқларини чеклаш ва ерларнинг сифатини пасайтириш орқали келтирилган заарларни қоплаш эгаллайди. Қонун билан белгиланган олинадиган (*вақтинча эгалланадиган, бузилган*) ерларнинг майдонига боғлиқ қоплама (*компенсация*) тўланиши, ерни оладиган ташкилот, корхона ва муассасаларнинг олинадиган ер майдонини оқилона ўлчамларигача қисқартиришга иқтисодий жиҳатдан ундовчи чора ҳисобланади.

Ер хуқуқи механизми фаолиятининг якуний натижаси ҳисобланадиган ер хуқуқий муносабатлари ер бўйича ижтимоий муносабатларнинг ер хуқуқий меъёрлар билан тартибга солишининг хуқуқий шакли ҳисобланади. Хуқуқий муносабатлар мазмунига кўра ер хуқуқий муносабатлари қатнашчиларининг хуқуқ ва мажбуриятлари ер хуқуқининг асосий институтлари бўйича синфларга бўлинади (*классификацияланади*). Ушбу классификация бўйича улар 3 турга бўлинади:

- 1) ер мулкчилигининг хуқуқий муносабатлари;
- 2) ерларни давлат томонидан бошқариш соҳасидаги хуқуқий муносабатлар;
- 3) ерга бўлган хуқуқларни ҳимоялаш бўйича хуқуқий муносабатлар. Юқорида санаб ўтилган турларнинг ҳар бири ўз навбатида хилларга бўлинади.

3.2. Тартибга солиши предмети сифатида ермуносабатларини мулкий базис кўриниши.

Ер мулкчилигининг хукуқий муносабатлари бошқа турдаги, ундан келиб чиқадиган ва унга боғлик ер хукуқий муносабатларининг асосида ётади ва катта аҳамиятга эга.

Ер мулкчилиги шаклларига боғлик ер хукуқий муносабатлари ажратилади. Улар ўз навбатида мулкчилик хукуки субъектлари тоифаларига (*категория*) мос тарзида пастки турларга бўлинади. Масалан, субъетларнинг ерга мулкчилик хукуqlари фуқароларнинг ва юридик шахсларнинг ерга бўлган мулкий хукуқий муносабатларига бўлинади.

Ерларни давлат томонидан бошқариш соҳасидаги ер хукуқий муносабатлари маъмурий-хукуқий шаклга эга бўлиб, ер муносабатларининг бошқа кўплаб турларига нисбатан хизмат муносабатлар характерида бўлади. Улар ўз ичига ер кадастрини юритиш, ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, давлат важамият эктиёжлари учун ерларни бериш ва олиш ер тузиш ва ахоли яшаш жойлари ерларини режалаш, ер мониторингини юритиш, ер можароларини ечиш бўйича хукуқий муносабатларни олади. Ер хукуқий муносабатларнинг айrim турлари майда турларга ҳам бўлинади. Масалан, ер тузиш бўйича хукуқий муносабатлар 2 турга бўлинади:

- 1) хўжаликлараро ер тузиш турлари;
- 2) хўжаликдаер тузиш турлари бўлинади.

Ердан фойдаланиш соҳасидаги ер хукуқий муносабатлар ер мулкчилиги муносабатларидан келиб чиқади. Ушбу хусусиятдан келиб чиқиб улар ердан бевосита ёки билвосита фойдаланиш фойдаланиш муносабатларига бўлинади. Ердан бевосита фойдаланишни ерга хусусий ёки умумий мулкчилик хукуқига эга юридик шахслар, фуқаролар ва улар жамосилари амалга оширилади. Ердан фойдаланиш мулкдорлардан бошқа шахслар томонидан амалга оширилса (*масалан ижарачилар*) бундан фойдаланиш билвосита фойдаланиш дейилади. Ердан билвосита фойдаланиш бирламчи ёки иккиласмачи фойдаланиш бўлиши мумкин. Бирламчи ердан фойдаланишда ер участкаси унинг мулкдори томонидан қонунда бнлгиланган тартибда фойдаланишга берилади. Иккиласмачи ердан фойдаланиш бирламчи ердан фойдаланувчилар томонидан ер фойдаланишга берилганда юзага келади. (*Масалан ердан фойдаланувчи ташкилотлар, корхоналар, муассасалар маъмурияти хизмат ер участкаларини берганда*).

Ердан фойдаланиш бўйича хукуқий муносабатлар классификациясини ер категориялари (*тоифалари*) бўйича ҳам ўтказиш мумкин. Бу кўрсаткич бўйича қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан, ахоли пунктлари ерларидан, саноат, транспорт, алоқа мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлардан табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлардан тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлардан, урмон ва сув фондлари ерларидан фойдаланишнинг хукуқий муносабатларини ажратиш мумкин.

Ушбу классификацияни ҳар бир ер тоифасининг таркибига боғлик тарзда яна давом эттириш мумкин. Масалан ахоли пунктлари ерларидан фойдаланиш бўйича хукуқий муносабатларни шаҳарлар, шаҳар типидлги посёлкалар ва қишлоқ ахоли яшаш жойлари ерларидан фойдаланиш бўйича муносабатларга бўлиш мумкин. Шаҳарлар ерлари таркиби бўйича эса қурилишлар тагидаги умумий фойдаланишдаги, шаҳар ўрмонлари ва ш.ў ерлардан фойдаланишнинг хукуқий муносабатларига бўлиши мумкин.

Ердан фойдаланиш соҳасидаги хукуқий муносабатларни ер участкасидан фойдаланувчи субъектлар, ер участкасини ажратиш муддати (*қисқа муддатли*) бўйича ҳам классификациялаш мумкин.

Ер хукуқий муносабатларининг қатнашчилар хукуqlари ва мажбуриятлари ва мажбуриятлари таркибига боғлик ажратиладиган айrim тури химояланадиган ер муносабатлари ҳисобланиб, улар ер хукуқий тартиби булганда, ер қонунчилиги бузилиши

натижасида келтирилган зарани қоплаш ва ҳуқуқий жавобгарлик чораларини қўллашни талаб этадиган ердан рационал фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш бўйича мажбуриятларнинг бажарилмаганда қўлланилади.

Ҳимояланадиган ер муносабатларининг маҳсус турларидан бири ерларга қонунни бузмасдан зарар етказиш ва ер мулқдорларига ердан фойдаланувчиларга, ижарачиларга зарар етказувчининг айби йўқ ҳолда зарар етказиш билан боғлиқ муносабатлардир. Бунда қонунни бузмасдан зарар етказган субъектга ҳуқуқий эмас, балки иқтисодий жавобгарлик юклатилади.

3.3. Тартибга солиш предмети сифатида ермуносабатларини ер-ишлиб чиқариш кўриниши.

Табиий муҳитнинг аҳамиятли таркибий қисми – ер ресурслариридир. У ҳудуди, иклими, рельефи, тупроқларининг сифати, гидрологик шароити, ўсимликлари ва бошқа белгилари билан тавсифланади, халқ ҳўжалиги обьектларини ва ахолини жойлаштириш учун кенглик асос, қишлоқ ва ўрмон ҳўжаликларида асосий ишилаб чиқариш воситаси бўлиб хизмат қиласди. Ер ресурсларидан фойдаланиш сув манбааларига, қазилма бойликлар захирасига, ҳаво бассейнига, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига тўғридан - тўғри таъсир этади.

Мамлакатимиз ер ресурсларидан оқилона, экологик жиҳатдан хавфсиз фойдаланиш – ҳар бир фуқаронинг, корхонанинг ва бутун жамиятнинг конституциявий бурчи хисобланади. Қонун ердан ва ер ости бойликларидан, сув ресурсларидан, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, сувнинг ва ҳавонинг тозалиги ва уларни саклаш, табиий бойликларнинг тикланишини таъминлаш бўйича барча зарур чораларни амалга оширишни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ер ва бошқа табиий ресурслар ўша ҳудудда яшайдиган ҳалқлар ҳаёти ва фаолиятининг асоси сифатида фойдаланилиши ва муҳофаза этилиши белгилаб қўйилган. Табиий ресурслар таркибида ер уларнинг ҳудудий, ҳўжалик ва экологик ўзаро боғлиқликларини ва ўзаро муносабатларини таъминловчи, табиатдан фойдаланишнинг кенглик асоси сифатида ажралиб туради. Қонунчилик ернинг унумдорлигига зарар етказишни тақиқлайди.

Ер табиий муҳитнинг бирламчи ўзгармас омилари жумласига киради, сув кенгликлари, ер ости бойликлари, ўсимлик, ҳайвонот дунёлари эса ўзларининг жойлашишлари бўйича ҳаракатланувчанлик характеристига эга.

Ўсимлик қопламасининг йўқолиб кетиши ёки кескин ўзгариши, ҳайвонларнинг ҳозирги сахро ҳудудларидаги ва абадий мўзликлар минтақаларида миграцияси ва ҳалокати тўғрисидаги кўплаб далиллар маълум. Минерал хом-ашё ва ёнилғига бой бўлган конларнинг захиралари камаяди, сув ресурсларининг қайта тақсимланиши юз беради.

Улардан фойдаланиш усууларига ва ҳўжалик оқибатларига боғлиқ ҳолда табиий ресурслар тугайдиган (қайта тикланадиган ва қайта тикланмайдиган) ва тугамайдиган турларга бўлинади. Ерга тикланиши чекланган табиий ресурс сифатида қарааш тўғрирок бўлади (1-жадвал).

Ер фойдаланиш жараёнида ҳар хил сфераларга мансуб табиий ресурсларни бирлаштиради. Унинг ҳўжаликдаги қиммати, табиий ва пайдо қилинган хусусиятларининг оқилона мужассамлаштирилиши ва фойдаланилишидан пайдо бўлади ва тўхтовсиз ўсиб боради. Табиий ресурсларнинг ўзаро алоқаларини ўрганиш атроф муҳит маҳсулдорлигига ва фойдалилигига, қайта тикланиш имкониятига, ахволига ижобий таъсир этувчи тадбирлар мажмуасини ишлаш ва амалга ошириш учун зарур.

Иқтисодий нуктаи назардан ерга, анъанавий тарзда, инсон ёрдамисиз табиат томонидан етказилган меҳнат предметлари тўплами сифатида қаралган. Шунинг учун амалий жиҳатдан ҳаммавақтгабий муҳитнинг қандайдир элементидан фойдаланиш (қазилма бойликлар, сувлар, ўсимликлар ва шунга ўхшаш) ернинг сифатига ва тупроқ унумдорлигига бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатади.

Табиий ресурслар, улардан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари ва улар таркибида ерниңг ўрни

Табиий ресурслар	У ёки бу табиий сферага мансублиги	Ер билан ўзаро алоқалари ҳарактери	Хўжаликда фойдаланишнинг асосий ўналиши	Фойдаланишда кайта тикланиш имконияти
Ер	Литосфера		Агросаноат мажмуаси ва халқ хўжалигининг бошқатармоклари корхоналарини жойлаштириш, озиқ овқатмаҳсулотларини ва хомашё ишлаб чиқариш, ноишлаб чиқариш фаолиятини олиб бориш	Гикланниши чекланган
Минерал	Литосфера	Тупроқларнинг минерал асосини ташкил этади. Ер қатлами тагида фойдали қазилмалар бор	Минерал ва ёнилғи-энергия хом ашёси	Гикланмайди
Сув	Гидросфера	Габиий мухит элементларининг барчасида сув суюқ, қаттиқ, газсимон қолатларида мавжуд	Кишлоқ хўжалиги, майший ва саноат сув истеъмоли	Кайта тикланади
Ўсимлик	Биосфера	Ернинг усти ва тупроқ қатлами билан ажralmas боғлиқ ҳолда мавжуд	Дехқончилик ва ўрмон хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш	Гикланади
Ҳайвонот дунёси	Биосфера	Ернинг усти ва тупроқ қатлами билан ажralmas боғлиқ ҳолда мавжуд	Чорвачилик, овчилик ҳайвонот маҳсулотларини етиштирувчи хўжаликлар маҳсулотларини ишлаб чиқариш	Гикланади
Иклимий	Атмосфера	Табиатда иссиқлик, намлиқ, газ алмашиш манбааси	Одамлар ҳаёти ва ишлаб чиқариш фаолиятинини иқлимий шароитларини ташкил этади	Тикланниши чекланган

Ер ресурсларини тикланиши чекланган табиий ресурслар қаторига киритиш иккита сабабдан келиб чиқади: бир томондан кенглик, худуд, ернинг усти, қуруқлик билан сув нисбатининг хусусий тарздаги локал ўзгаришларини ҳисобга олмаганда қайта тикланмайди; бошқа томондан - ер турларининг ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтирилган тақорор ишлаб чиқариш, яхшилаш, тиклаш учун имкониятлар амалий жиҳатдан чексиздир.

«Ер, одам – ишлаб чиқариш» тизими элементларининг оқилона ўзаро таъсири қуйидаги принципиал масалаларни ечишни тақоза этади:

- ишлаб чиқаришнинг ер ресурслариға салбий таъсирини экологик хавфсиз даражагача камайтириш;
- ер ресурсларининг сифат хусусиятларини улардан фойдаланишда (айниқса Қишлоқ хўжалигида) максимал тўла ҳисобга олиш;
- одамларнинг моддий ва ижтимоий талабларини тўлароққондириш мақсадида ерларни яхшилаш ва муҳофаза қилиш.

Табиий ресурслар ва шароитлар йиғиндиси ернинг инсоният фаолиятининг ҳар хил турларига мослиги даражасини аниқлайди. Улар билан аҳолининг ижтимоий талабларини қондириш имкониятлари ҳам бевосита боғланган.

Табиий муҳит омиллари қишлоқ хўжалигида асосий роль ўйнайди. Ўзбекистон ер фондини табиий – қишлоқ хўжалик районларига бўлиш маълумотларига асосан, унинг 95% худуди иссиқ ва қуриқ, оғир ва нокулай иқлимли минтақаларда жойлашган. Қолган 5% эса тоғ минтақаларида жойлашган. Ҳудуднинг табиий унумдорлиги жуда паст. Шунинг учун республикамизда ердан дехқончиликда фойдаланиш суғоришга асосланган.

Жамиятнинг тўхтовсиз ўсиб борувчи талабларини қондириш ер ресурсларидан юқори интенсивликда фойдаланишга олиб келади. Шунинг учун табиий мажмуналарни такомиллаштириш ва ривожлантириш, уларнинг хўжалик қийматларини ошириш мақсадида атроф муҳит омилларининг ўзаро таъсиrlарини илмий асосда амалга ошириш керак.

Қайта тикланмайдиган минерал ресурслар учун уларни тежаш ва атроф муҳитга салбий таъсирини чеклаб, тўла қайта ишлаш принципиал аҳамиятга эга. Қайта тикланадиган ресурслардан фойдаланишда уларнинг фойдали хусусиятларини кенгайтирилган қайта ишлаб чиқаришда ва берилган ҳаражатларда сон ва сифат кўринишида энг кўп самара олиш тамойилига риоя қилиш керак.

Ердан оқилона фойдаланишни, минтақавий табиий тизимларни ривожлантиришга комплекс ёндашишда унинг ишончли муҳофазасини таъминлашдан ажратиб бўлмайди. Ерни химоялаш тадбирларининг мазмuni ерга хўжалик таъсирининг кучайишига мос келиши, тупроқлар унумдорлигининг тўхтовсиз ошишига ёрдам бериши керак.

Бизнинг давлатимизда узоқ вақтларгача ердан текин фойдаланиш тамойили амалда бўлди, этиштирилган маҳсулотнинг асосий қисми эса давлат томонидан тасарруф этилди. Буларнинг ҳаммаси хўжалик юритишнинг нормал иқтисодий механизми яратилишига, объектив баҳо белгилашга тўсқинлик қилди, корхоналарнинг ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишдан манфаатдорликларини сусайтирди. Фақат ўтган асрнинг 70 йилларидан бошлаб қишлоқ хўжалигининг унумдор ерлари ноқишлоқ хўжаликмақсадлари учун олинганда қоплама (компенсация) тўлана бошлади, бироқ улар тўла ҳажмида тўланмади. Ҳозирги Ўзбекистон қонунчилигига ердан ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш учун ер солиғи ва ижара ҳақи шаклларида тўловлар кўзда тутилган. Ерларнинг жойлашган ўрни ва табиий унумдорлигидаги фарқлар натижасида қишлоқ хўжалигида пайдо бўладиган дифференциал ер рентасини, шу жумладан, корхоналарнинг молиявий воситаларини ер ресурсларини қайта тиклаш ва муҳофаза қилиш учун жалб этиш мақсадида, иложи борича тўлароқ ҳисобга олиш, вазифаси кўйилади.

4 -мавзу: Рақамли иқтисодиёт шароитида ер муносабатларини тартибга солишнинг хусусияти уларнинг иқтисодий характерга эга эканлиги

Режа:

1. Рақамли иқтисодиёт шароитида ер муносабатларини тартибга солишнинг хусусияти.
2. Рақамли иқтисодиёт шароитида ер муносабатларини иқтисодий характери

4.1. Рақамли иқтисодиёт шароитида ер муносабатларини тартибга солишнинг хусусияти

Замонавий технологиялар ва платформалар мижозлар, ҳамкорлар ва давлат ташкилотлари билан шахсий мулоқотни минималлаштириш ҳисобига корхоналар ва жисмоний шахсларга харажатларни қисқартиришга ёрдам берди, шунингдек, ўзаро мулоқотни янада тез ва осон йўлга қўйишга имконият яратди. Натижада тармоқ ресурсларига асосланган, рақамли ёки электрон иқтисодиёт пайдо бўлди.«Рақамлаштириш» сўзи аслида янги атама бўлиб, инновацион бошқарув ва иш юритиш жараёнига ИТ ечимларнинг жалб этилишини, бунинг самараси ўлароқ эса интернет буюмлардан тортиб, электрон хукуматгача бўлган барча тизимларда ахборот технологияларини қўллашни кўзда тутади.Иқтисодиётнинг рақамли сегментига тегишли бош манба – тракзакцион секторнинг ўсишидир. Ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткич ЯИМнинг 70 фоиздан ортиқ миқдорни ташкил этиб, давлат бошқаруви, консалтинг ва информацион хизмат кўрсатиш, молия, улгуржи ва чакана савдо, шунингдек, хизматлар соҳасини (коммунал, шахсий ва ижтимоий) бирлаштиради.Иқтисодиёт диверсификацияси ва динамикаси қанчалик юқори бўлса, мамлакат ичида ва ташқарисида ноёб ахборотлар айланмаси шунчалик кўп, миллий иқтисодиётлар ичида ахборот трафиги эса шу қадар салмоқли бўлади. Шу боис иштирокчилар сони кўп ва ИТ хизматлар кенг тарқалган бозорларда рақамли иқтисодиёт жадал суръатларда ривожланади.

Республикамиз аҳолисининг моддий фаравонлиги табиатнинг бебаҳо бойлиги, барча жонзодни бокувчиси ҳисобланган ерга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлишга боғлиқ бўлади. Шу сабабдан, мавжуд ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Ернинг табиий ресурс сифатида шундай алоҳида хусусияти борки, унга тўғри муносабатда бўлинса ва у муҳофаза қилинса тупроқнинг унумдорлиги доимо ошиб боради. Аксинча ҳолатларда эса унинг ҳолати ёмонлашиб, фойдаланиш учун яроқсиз аҳволга тушиб қолади. Шунинг учун ер эгалари, мулкдорлари, фойдаланувчилари доимо тупроқ унумдорлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишлари, ернинг сифатини яхши сақлашга асосий эътибор қаратишлари лозим.Шундай экан, бугунги бозор иқтисодиёти шароитида ер муносабатларини тартибга солиш ўзига хос хусусиятларга эгадир.

Бугунги кунда республикамизда аграр муносабатлар соҳасида бир қатор ислоҳотлар амалга оширилаётган шароитда атроф-табиий муҳитни, хусусан ер бойликларини муҳофаза қилиш муаммосига алоҳида эътибор берилмоқда. Бунинг исботи сифатида Ўзбекистон Республикаси Ер кодексини ва бошқа қабул қилинган бир қатор қонунчилик ҳужжатларини кўрсатишимиш мумкин, уларда табиат объектлари, жумладан ер бойликларини муҳофаза қилишга бағишлиланган алоҳида боблар киритилган.

Ер ресурсларидан самарали фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш турли хил восита ва усувлар ёрдамида амалга оширилади. Шундай усувлардан энг муҳимларидан бири - ер бойликларини ҳуқуқий муҳофаза қилишдир, яъни ерни қонунлар ёрдамида ифлосланишдан, заҳарланишдан, ишдан чиқишдан муҳофаза қилишдир. Демак, ер ресурсларини муҳофаза қилишда ҳуқуқнинг роли бекиёс ҳамда алоҳида аҳамиятга эга.

Ер ресурсларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш заруриятини ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишда турли илмий жиҳатдан асосланган тавсияномаларнинг роли қанчалик катта бўлмасин, уларнинг бажарилиши барча юридик ва жисмоний шахслар учун тегишли ҳуқуқий нормаларда мустаҳкамлангандан кейингина мажбурий характерга эга бўлиши билан ҳам тушунтириш мумкин. Акс ҳолда бу тавсияномалар бажарилмасдан қолиб кетиши мумкин. Шундай қилиб, ердан оқилона, самарали фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни амалга оширишда қонунчилик ҳужжатларининг аҳамияти катта бўлиб, улар ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солади ҳамда ундан оқилона

фойдаланиш ва турли хил ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатлардан муҳофаза қилиш чораларини белгилаб беради. Конунчилик хужжатлари ер бойликларига эҳтиёткорона ва оқилона муносабатдабўлиш, асраб-авайлаш, қадрлаш, доимо тупроқ унумдорлигини ошириб бориш билан боғлиқ талабларни белгилайди, ердан фойдаланиш қоидалари бузилганда эса ҳуқуқий нормалар уни муҳофаза қиласди.

Ерни ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг ўта муҳимлигини республика ахолисининг йилдан-йилга тез ўсиб бориши оқибатида жон бошига ҳисоблаганда сугориладиган ер майдонлари камайиб бораётгандиги билан ҳам изоҳлаш мумкин. Чунончи, республикамиизда бу кўрсатгич 70-йилларда 0,4 гектар, 80-йилларда 0,2 гектардан тўғри келган бўлса, ҳозирги вақтда эса бу кўрсаткич знада пасайиб 0,14 гектарни ташкил этади. Бундан ташқари халқ ҳўжалигининг саноат, транспорт, алоқа ва бошқа тармоқлари билан боғлиқ курилишлар учун ажратиладиган ер майдонлари йилдан йилга ортиб бормоқда. Бу ҳолат ҳам ерни ҳуқуқий муҳофаза қилишни такозо этади.

Ерни ҳуқуқий муҳофаза қилиш на факат ер ҳуқуқи нормалари билан балки бошқа ҳуқуқ нормалари билан ҳам тартибга солинади. Масалан, конституциявий ҳуқуқ нормаларида фуқаролар табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлишлари шартлигини ўрнатади (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-моддаси). Шунингдек ерларни муҳофаза қилишга бағишлиланган қоидаларни “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Фермер ҳўжалиги тўғрисида”ги қонуллар, Жиноят, Фуқаролик, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларда ҳам кўриш мумкин.

Ерни ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида сўз борганда «ерни ҳуқуқий муҳофаза қилиш» ва «ердан фойдаланиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш» деган тушунчалар фарқланиши керак. Чунки, **ердан фойдаланиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш** деганда ердан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя этиш, яъни ердан фойдаланувчиларнинг ер муносабатлари бўйича субъектив ҳуқуқ ваколатларини амалга оширишга тўскىнлик қилишни бартараф этишга қаратилган ҳуқуқий нормалар йиғиндиси тушунилса, **ерни ҳуқуқий муҳофаза қилиш** деганда эса, ердан оқилона фойдаланиш, уни қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришидан асоссиз равишда олинишининг олдини олиш, зарарли антропоген таъсирдан ҳимоя қилиш, шунингдек тупроқ унумдорлигини тиклаш ва ошириш, ўрмон фонди ерларининг самарадорлигини яхшилашга қаратилган ҳуқуқий нормалар йиғиндиси тушунилади.

4.2. Рақамли иқтисодиёт шароитида ер муносабатларини иқтисодий характери

Таъкидланишича, рақамли технологиялар иқтисодиётга боғлиқ 50 фоиздан ортик соҳаларни кескин ўзгартириб юборади. Ушбу қараш ахборот технологиялари ва рақамли платформалар бизнес моделларни кескин ўзгартириб, уларнинг самарадорлигини воситачиларни бартараф этиши ва жараёнларни оптималлаштиришига асосланган. Жаҳон банки ҳисоб-китоблари биноан, тезкор интернет фойдаланувчиларининг 10 фоизга кўпайиши йиллик ЯИМ кўламини 0,4 фоиздан 1,4 фоизгacha ошириши мумкин экан. Шунингдек, рақамли иқтисодиётнинг мамлакат ЯИМдаги улуши ҳар йили тахминан 20 фоизга ўсиши (ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткич 7 фоиз атрофида) унинг аҳамияти белгилайдиган кўрсаткич сифатида қаралади.

Рақамли иқтисодиёт шароитида ер муносабати ҳам ўзига хос бўлган кўринишга эга бўладики, бу унинг асосий иқтисодий характери билан боғлиқ бўлади, негаки бўгунги бозор шароити, энг аввало, иқтисодий масалаларни ҳал қилиш билан белгиланади. Бунда ер тўғрисидаги қонулларга эътибор бермаслик, ер қонунчилигини бузиш алоҳида ўрин тутади. Ер ҳуқуқбузарлиги деганда, ер ҳуқуқи нормаларига қарама-қарши бўлган ҳатти-ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади. Ердан фойдаланиш ҳуқуқи қоидаларини бузувчилар, яъни **ҳуқуқбузарлик субъектлари** бўлиб қишлоқ ҳўжалик корхоналари, давлат ва кооператив ташкилотлари, фуқаролар бўлиши мумкин. Шунингдек, давлат хокимият ва бошқарув органлари, саноат корхоналари, бошқа ташкилотлар ҳам бу ҳуқуқбузарликнинг субъектлари бўлишлари мумкин.

Хуқуқбузарликнинг объекти бўлиб, биринчи навбатда давлатнинг ерга бўлган мулкчилик хуқуки; қишлоқ хўжалик ва бошқа корхоналарнинг ердан фойдаланиш хуқуки; ердан қонуний фойдаланиш тартиби ҳисобланади. Ердан фойдаланиш хуқукининг бузилиши асосан шу санаб ўтилган хуқуқ ва манфаатларга қарши қаратилган бўлиб, шу хуқуқ ва манфаатларнинг амалга оширилишига тўсик бўлади.

Ердан фойдаланиш хуқуқбузарлигининг мазмунини ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларга иқтисодий, моддий ва маънавий, экологик зарар этказишга қаратилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик ташкил этади. Чунки: қонунга зид тузилган битимлар, ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, ер участкаларини қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидан асоссиз олиб қўйиш, уларни захарли химикатлар ва ишлаб чиқариш чиқиндилари билан ифлослантириш, ер участкалари чегара марзаларини бузиб ташлаш ва шунга ўхшаш ҳаракатлар орқали маълум бир хуқуқбузарликлар содир этилса, вақтинча эгаллаб турган ерни қайтариб бериш муддатини бузиш ёки шу ерларни белгиланган мақсадда фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириб бериш мажбуриятларини бажармаслик, ёввойи ўтларга қарши кураш чораларини кўрмаслик, тупроқни шамол, сув таъсирида эмирилишдан сақлаш мажбуриятларини бажармаслик ва шунга ўхшаш ҳаракатсизлик оқибатида ҳам хуқуқбузарликлар содир этилади.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, ердан фойдаланиш хуқукини бузиш деганда, давлатнинг ерга нисбатан бўлган мулк хуқукига қарши қаратилган, ердан фойдаланувчиларнинг манфаатларига зид бўлган, ердан оқилона ва самарали фойдаланишни таъмин этишга халал берадиган ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар ёки ҳаракатсизликлар тушунилади.

Ердан фойдаланиш хуқуки қонун ҳужжатларига қарши турли хил хатти-ҳаракатлар орқали бузилиши мумкин бўлиб уларнинг таркиби Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 90-моддасида келтирилган. Уларга қуйидагилар киради:

- ер участкаларини сотиб олиш ва сотиш;
- совға қилиш, гаровга қўйиш, ўзбошимчалик билан айирбошлаш; ерлардан ўзга мақсадларда фойдаланиш;
- ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш;
- ерларнинг ҳолатини бузиш, уларни кимёвий ва радиоактив моддалар билан, ишлаб чиқариш чиқиндилари окова сувлар билан ифлослантириш; ерларнинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатадиган обьектларни жойлаштириш, қуриш, лойиҳалаш, ишга тушириш;
- вақтинча эгаллаб турган ерни қайтариб бериш муддатини бузиш ёки шу ерларни белгиланган мақсадда фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириб бериш мажбуриятларини бажармаслик;
- ер эгалиги ва фойдаланиладиган ерлар чегараларининг марза белгиларнини йўқ қилиб ташлаш;
- ерларнинг давлат рўйхати, ҳисоб китоби ва баҳоланиш маълумотларини сохталаштириш;
- ёввойи ўтларга қарши кураш чораларини кўрмаслик;
- ердан хўжасизларча фойдаланиш;
- тупроқни шамол, сув таъсирида нурашдан сақлаш мажбуриятларини бажармаслик ва бошқалар.

Ердан фойдаланиш хуқукини бузганлик учун хуқуқбузарни жавобгарликка тортишга асос бўлиб ер хуқуқбузарлиги содир этилиши ва шу хуқуқбузарлик учун қонунчилик ҳужжатида жавобгарлик чораси белгиланган бўлиши керак. Шуни таъкидлаш лозимки, ер қонунчилиги ҳужжатларида уларни бузганлик учун жавобгарлик чораларини ифодаламайди. Шунинг учун ердан фойдаланиш хуқукини бузганлик учун хуқуқий чоралар бошқа хуқуқ соҳалари қонунчилик ҳужжатларида, масалан, жиноят, фуқаролик, маъмурий кодексларида кўрсатилган. Бироқ, бу соҳаларда белгиланган жавобгарлик чораларини кўллаш учун хуқуқбузар на фанат ердан фойдаланиш хуқукини бузини балки бир вақтнинг ўзида уларнинг ҳам хуқуқ нормаларини бузган бўлиши керак. Шундагина айборларни юқорида келтирилган қонунчилик ҳужжатлари нормаси билан жавобгарликка тортиш мумкин. Масалан, ердан хўжасизларча фойдаланганлик Ер кодекси нормасини (91-модда) бузиш ҳисобланади ва

шундай хатти-ҳаракат учун ер ҳуқуқий жавобгарлик чораси сифатида ўша ерни қайтариб олиш белгиланган. Ҳудди шундай ҳаракат Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг нормасини (193-модда)ҳам бузиш ҳисобланади ва бунинг учун жиноий жавобгарликка тортиш чорасини қўллашга асос бор.

Ердан фойдаланиш ҳуқуқини бузганлик учун маъмурий, интизомий, фуқаролик, жиноий жавобгарлик чоралари қўлланилади.

Ер ва у билан боғлик табиий ресурсларнинг муҳофазаси ҳуқуқнинг асосий вазифаларига киради. Ҳуқуқ нормалари ердан фойдаланиш қоидаларини, яъни табиий муҳит ва унинг бойликларини сақлаш ва муҳофaza қилиш каби конституциявий мажбуриятини ижро этганда фуқаро ёки мансабдор шахс қандай ҳаракатларни содир етиш мумкинлиги ёки лозимлиги ҳакида қўрсатмаларни тасдиқлайди. Ушбу қоидаларга риоя этилишини давлат мажбуровчи чоралари ва улар ичida муҳим ўрин эгаллайдиган маъмурий жавобгарлик нормалари билан таъминланади.

Маъмурий жавобгарлик ҳуқуқий жавобгарликнинг мустақил тури бўлиб, ваколатли орган томонидан маъмурий жазо қўлланишида ифодаланади.

Маъмурий жавобгарлик ҳақидаги ҳаракатдаги қонун бўйича ер ҳақидаги қонунни бузганлик учун факатгина жарима шаклида маъмурий жазо назарда тутилган, у эса маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган, давом этаётган ҳуқуқбузарлик аниқланган вақтига тасдиқланган энг кам иш ҳақининг миқдори билан ўлчанади.

Маъмурий жазонинг қўлланилиши судланганлик ва ишдан бушатишга олиб келмайди. Маъмурий жазо қўлланилган шахс белгиланган муддатда маъмурий тартибда жазоланган ҳисобланади. Шундай килиб, МЖТК¹нинг 37-моддасига мувофик, агар маъмурий жазо қўлланган шахс жазонинг ижро этилган кундан бошлаб бир йил ичida янги маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этмаса, у маъмурий жазога тортилмаган деб ҳисобланади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик таркиби деганда МЖТК билан белгиланган, уларнинг мажбуrlиги маъмурий жавобгарликка олиб келиши мумкин бўлган алломатларнинг (элементларининг) йигиндиси тушунилади. Адабиётларда баъзан маъмурий ҳуқуқбузарлик таркиби тушунчаси маъмурий ҳуқуқбузарликнинг алломатлари билан алмаштирилади. Масалан, таъкидланадики, маъмурий ҳуқуқбузарлик таркиби – бу ҳукукда белгиланган уларнинг мавжудлигида жамоага қарши бўлган килмиш маъмурий ҳуқуқбузарлик деб ҳисобланадиган алломатларнинг йигиндисидир. Аммо, бу амал килиб турувчи қонун нормаларига мос келмайди. Ҳусусан, МЖТКга биноан маъмурий ҳуқуқбузарликни содир етиш пайтида шахс ўн олти ёшга тўлмаганлиги маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни истисно этувчи ҳолатларга киради. (271-модданинг 2-банди). Гап шахснинг акли норасолиги ҳақида кетганда, маъмурий ҳуқуқбузарлик эмас, балки ғайриқонуний ҳаракат ёки ҳаракатсизлик (271-модданинг 3-банди.) содир этилиши назарда тутилади, чунки акли норасоликда (МЖТКнинг 20-моддаси) истисно этиладиган юридик таркибнинг аломати бўлишида айблик зарурӣ ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси “Давергеодезкадастр” қўмитасининг 2009 йил 3 мартағи 24-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси органлари томонидан ер қонунчилигини бузган қонунбузарни маъмурий жазога тортиш бўйича йўриқнома”га асосан давлат қўмитасининг мансабдор шахси ердан фойдаланиш ва уни муҳофазалаш устидан давлат назоратини давлат бошқарувининг махаллий органлари, санитария назорати, табиатни муҳофaza қилиш, ўрмон хўжалиги, сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги ва бошқа органлар ҳамкорлигига амалга оширадилар.

Ердан фойдаланиш ва муҳофaza қилиш устидан давлат назоратини ўтказиш учун ҳуқуқий гувохлик берувчи ҳужжатларда ёки туман (шахар) ер кадастри китобида кимга тегишлилиги ёзib қўйилган ер участкалари ёки унинг бир қисми, у қайси идорага бўйсимишидан ва қандай шаклдаги мулк бўлишидан қатъий назар объект ҳисобланади.

Ердан фойдаланиш ва муҳофaza қилиш устидан давлат назоратини ўтказиш субъекти-ўз эгалигига, фойдаланишида, ижарасида ҳамда ҳусусий мулкида ер участкаси мавжуд бўлган

барча юридик ва жисмоний шахслар, маҳсус режимда ҳамда чет эл инвеститсияси билан ишловчи корхона ва бошқалар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси “Давергеодезкадастр” қўмитаси тизимидағи ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни назорат қилиш давлат инспекцияси хизмати таркиби 1-расмда келтирилган.

“Маъмурий жавобгарлик тўғрисида” кодексга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг органлари қўйидаги қонунбузарлик ҳолатлари бўйича ишларни кўриб чиқадилар:

- ерлардан белгиланганидан бошқа мақсадларда фойдаланиш;
- ерлардан хўжасизларча фойдаланиш;
- ерларни яроқсиз ҳолга тушириш;
- бино ва иншоатлар қуриш вақтида тупроқнинг унумдор қатламини қирқиб олмаслик;
- ҳосилдорликнинг пасайиб кетиши ва тупроқнинг бузилиши ёки йўқ бўлиб кетишига сабаб бўладиган харакатларни содир етиш;
- лойиха хужжатларидан рухсат бўлмай туриб ўзбошимчалик билан четга чиқиш;
- давлат ер кадастрини юритиш қоидаларини бузиш;
- ер кадастри маълумотларини бузиб кўрсатиш;
- ерлардан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисботларни бузиб кўрсатиш;
- тегишли ваколатли органлар билан келишмай туриб ерларнинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатадиган обьектларни жойлаштириш, лойихалаштириш, қуриш ва уларни фойдаланишга топшириш;
- ажратиб берилган ерларнинг марза белгиларни йўқ қилиш ёки шикастлантириш;
- ер бериш тартибини бузиш.

“Маъмурий жавобгарлик тўғрисида” кодекснинг 266¹- моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг органлари номидан маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва жарима солиши тариқасида маъмурий жазо чорасини қўллашга қўйидагилар ҳақлидирлар:

- Ўзбекистон Республикаси ерларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни назорат қилиш бўйича бош давлат инспектори ва унинг ўринбосарлари;
- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туман (шахар)лар ерларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни назорат қилиш бўйича давлат инспекторлари.

Содир этилган маъмурий хукуқбузарлик кам аҳамиятли бўлган тақдирда, шу ишни кўриб чиқишга ваколатли бўлган мансабдор шахс хукуқбузарни маъмурий жавобгарлиқдан озод этиб, уни огоҳлантириш билан кифояланиши мумкин. Ер қонунчилиги бузилганлигини бартараф етиш юзасидан огоҳлантириш огоҳлантириш хати шаклида бўлади.

Ердан хўжасизларча фойдаланиб уларни яроқсиз ҳолга тушириш, бино ва иншоатлар қуриш вақтида тупроқнинг унумдор қатламини олмаслик, ерлардан бошқа мақсадларда фойдаланиш, ҳосилдорликнинг пасайишига, тупроқнинг бузилиши ёки йўқ бўлиб кетишига сабаб бўладиган қонунбузилишлар содир этилганда “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида кодекси”нинг қўйидаги белгиланган моддалари билан маъмурий жавобгарликка тортиладилар:

Ерлардан хўжасизларча фойдаланиш, обьектлар қуриш пайтида унумдор қатламни олмаслик, ер майдонларидан бошқа мақсадларда фойдаланиш, ерларни фойдаланишдан чиқаришга, ҳосилдорлик пасайишига, тупроқнинг бузилиши ёки йўқ бўлиб кетишига олиб келадиган бошқа харакатларни содир етиш, шунингдек таназзулга юз тутган қишлоқ хўжалиги ерларини консерватсиялашнинг белгиланган тартибини бузиш, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан беш бараваригача микдорда жарима солишига сабаб бўлади.

Қишлоқ хўжалиги ва бошқа ерларни яроқсиз ҳолга тушириш, уларни ишлаб чиқариш чиқитлари ва бошқа чиқиндилар, кимёвий ва радиоактив моддалар ҳамда оқова сувлар билан ифлослантириш, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан беш бараваригача микдорда жарима солишига сабаб бўлади.

Ер бериш тартибини бузиш, худди шунингдек фермер ёки деҳқон хўжалиги юритиш учун, якка тартибда уй-жой қуриш ва туарар-жой биносига хизмат кўрсатиш, жамоа боғдорчилиги ва полизчилиги учун фуқароларга ер берилишига тўсқинлик қилиш, —

mansabdor shaxslarغا энг кам иш ҳақининг уч бараваридан этти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Вақтинча эгаллаб турилган ерларни ўз вақтида қайтариб бермаслик ёки уларни ўз ўрнида фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтириш юзасидан мажбуриятларни бажармаслик, —

энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Тасдиқланган ер тузилиши лойиҳа ҳужжатларидан тегишли рухсат бўлмай туриб четга чиқиш, худди шунингдек тегишли органлар билан келишмай туриб обьектларни жойлаштириш, лойиҳалаштириш, қуриш ва уларни фойдаланишга топшириш, давлат ер кадастри юритиш қоидаларини бузиш, ерлардан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисботларни бузиб кўрсатиш, ахборотларни беришдан бўйин товлаш ёки нотўғри ахборот бериш, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳукуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан этти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Эгаликдаги ва фойдаланишдаги ерларнинг чегара белгиларини, ўрмонлардаги чеклов белгиларини йўқ қилиш ёки шикастлантириш, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари аниқланганда ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни назорат қилиш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижаракиларнинг ердан фойдаланиш фаолиятини назорат қилиш ҳукуқи берилган ваколатли мансабдор шахси томонидан қонун бузилиши натижасида келтирилган зарап ва айбдор шахслар аниқланади ҳамда ер қонунчилиги ҳужжатларида белгиланган тартибда ер тузиш иши қўзғатилади. Ер тузиш ишида қуидаги ҳужжатлар расмийлаштирилади:

1. Ер қонунчилиги бузылганлигини бартараф етиш бўйича огоҳлантириш хати;
2. Ер қонунбузилиш ҳолати аниқланганлиги тўғрисида баённома;
3. Маъмурий ҳукуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиши ҳақида баённома;
4. Ер қонунчилиги бузилиши ҳақидаги ишни кўриб чиқишига келиш учун чақириқ қоғози;
5. Ер қонунчилигини бузганлиги учун маъмурий жавобгарликга тортиш тўғрисида (ишлаб чиқаришда ер қонунчилигини бузылганлиги бўйича ишларни тўхтатиб қўйиш ҳақида) карор.

IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-амалий машғулот:

1 -мавзу: Ер муносабатлари ҳуқуқ тизимининг бир қатор соҳаларида тартибга солиш предмети эканлигини ўрганиш

Режа:

1. Ер муносабатлари, унинг асосий белгилари ва тизими билан танишиш.
2. Ер муносабатларини тартибга солувчи қонунлар ва қонуности хужжатлари тизими билан танишиш.

1.1. Ер муносабатлари, унинг асосий белгилари ва тизими билан танишиш

Ер муносабатларини тўғри ташкил этилиши ва бошқаришусулларини такомиллаштириш куйидаги асосий мажбуриятларни бажарилишини талаб этади:

1.Ер муносабатларини тартибга солиш, Ўзбекистон Республикаси Конститутцияси ва Ер Кодекси қонунлари асосида амалга оширилиши керак. Ер муносабатларини тартибга солишнинг ҳуқуқий меъёрлари ер қонунчилигига мос келиши керак (сувдан фойдаланишда, ўрмон ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланишда);

2. Республика ер қонунчилиги мамлакатда барча ер муносабатларини бошқариш субъектлари учун, ерни муҳофаза қилиш ва хисобга олишнинг мажбурий шартларини, ер мониторинги юритилиши, ер тузишни ташкил этилиши, давлат ер кадастрини юритилиши, ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилишда давлат назоратини юритилиши бўйича ва республика аҳамиятидаги ерларнинг ҳуқуқий режимини аниқлаш бўйича мажбурий қонунчиликни ўрнатиш;

3.Ер муносабатларини тартибга солиш ер тоифаси, унинг ҳуқуқий ҳолатидан ва фойдаланиш мақсадидан келиб чиқиб республика ерқонунчилигига асосан амалга ошириш;

4.Ердан фойдаланиш тартиби ернинг у ёки бу тоифасига тегишли эканлигидан келиб чиқиб ер эгаси, ердан фойдаланувчи, мулкдори ер ижаракчиси томонидан, ерни табиий-қишлоқ ҳўжалик районлаштиришидан, уларни минтақаларга ажратилишидан ва ер тузиш ишларини хужжатлаштиришидан келиб чиқиб белгиланади. Бунда қишлоқ ҳўжалик ерлари алоҳида муҳофаза этилиши керак: уларни ноқишлоқ ҳўжалик максадлари йўлида трансформациялаш қонунларда белгиланган тартибда алоҳида ҳолларда амалга оширилади.

5. Ер муносабатларини тартибга солиш жараёнида давлат ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар учун, уларни ердан оқилона ва самарали фойдаланишлари учун, ерларни муҳофаза қилиш ва фойдаланиш даражасини оширишлари учун, ҳудудий ва экологик барқарорликни таъминлашлари учун иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий шароитлар яратилиши керак.

6. Ер муносабатларини тартибга солишнинг экологик усулларини ривожлантириш, ердан фойдаланишнинг тўловлигини такомиллаштириш, рента муносабатлари, ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчиларни ердан оқилона фойдаланганликлари учун рағбатлантириш, ердан самарали фойдаланиш ва солиққа тортиш манбааларини ҳосил қилиш йўллари билан амалга оширилади.

7. Ер муносабатларини давлат томонидан тартибга солишни илмий асосланган ҳолда, республика ва унинг минтақаларини ишлаб чиқариш тармоқларини ривожланишини иқтисодий жиҳатдан башоратлаш, табиий ресурслардан фойдаланиш (шу жумладан ер ресурсларидан), ер қонунчилигига асосан амалга оширилиши керак.

8.Ер ресурсларини бошқариш ўз ичига ер ресурсларидан фойдаланишни режалаштириш, ерларни минтақаларга ажратишни, табиий-қишлоқ ҳўжалик районлаштиришини, ер тузишни, ер мониторингини ва давлат ер кадастрини ўз ичига

олади. Узок муддатли режалаштириш самарадорлиги ижтимоий-иктисодий дастур, ер тузиш ва шаҳарсозлик ҳамда бошқа хужжатлар орқали амалга оширилади.

9. Давлат қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни муҳофаза этилишини ва фойдаланишини табиий-қишлоқ хўжалик районлаштиришидан келиб чиқиб таъминлаши керак.

10. Ер муносабатларини тартибга солиш ер кадастри маълумотлари асосида ернинг табиий, хўжалик ва хуқуқий холати ҳамда ўз вақтидаги ахборотлар таъминоти орқалиамалга оширилиши керак.

11. Ер ресурсларини муҳофаза қилиш ва фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, қимматбахо қишлоқ хўжалик ва ўрмон хўжалиги ерларини асоссиз равишда олиб қуилишидан сақлаш бўйича хуқуқий, ташкилий, иқтисодий, технологик ва бошқа тадбирларни амалга ошириш.

12. Ер муносабатлари субъектлари хуқуқ ва мажбуриятлари, ўрнатилган тартиб-қоида, низомларга, ер қонунчилигига амал қилишлари, юридик ва жисмоний шахслар ҳамда фуқаролар томонидан давлатнинг ерни муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш бўйича тадбирларини амалга оширишларини таъминлаш зарур.

Ер муносабатларни тарихий ривожланиш жараёнининг барча босқичларида ҳамма вақт асосий ўринни давлат ўйнайди. У ер муносабатларини тартибга соладиган қонунларни ва бошқа бажарилиши мажбурий бўлган меъёрларни ишлаб чиқади, ер тузишнинг асосий мазмунини ва ўтказилиш тартибини белгилайди. Давлат ўзининг ер сиёсатини ҳаракатдаги қонунчиликка мос равишда амалга оширувчи маҳсус органларни яратади. Бунда ер муносабатидаги ҳар қандай ўзгаришлар маълум назарий ва услубий асосда, бошқача айтганда – илмий асосда амалга оширилади.

Ер муносабатлари маълум бир тамойилларга асосланади.

Аграр соҳадаги ер ислоҳотида ўтган асрнинг 90-йиллари ҳал қилувчи рол ўйнади. Шу вақтга келиб ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш бўйича давлат монополиясидан воз кечила бошланди. Ерга бўлган мулкчиликнинг ҳар - хил шакллари ривожлантирилди (*оиласий пудрат, пайчилик, ширкат хўжалиги, ижара, фермер хўжалиги, дехқон хўжалиги, кластер ва агрофирмалар*) ва буларнинг барчаси қонунларда тенг хуқуқли қилиб белгиланди. Ердан эркин фойдаланиш, атроф-мухитга зарар етказмаслик, қонунларни бузмаслик ва бошқаларнинг қонуний манфаатларига зид бўлмаслик шартлари асосида амалга оширилади.

Ер муносабатлари барча субъектларнинг тенг хуқуклилиги ва ҳар хиллигининг мажбурий шарти бу - субъектларнинг ерда эркин хўжалик юритиш имконияти, аниқхуқуқий ва иқтисодий тенглигидир (*суд тартибида ер участкасига бўлган эгаликни ҳимояланиши, етказилган зарарни қопланиши хуқуқи, давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ернинг олиб қўйилишидан етказилган зарарга нисбатан субсидиялар белгилаш, солиққа тортши бўйича чекловлар берни, кредитлар ажратни ва бошқалар*).

Давлат, жамият ва шахснинг ҳаётий зарур манфаатдорлиги деганда – бу қизикишларнинг қондирилиши ҳамда бунинг натижасида уларнинг давомийлиги ва ривожланиш имкониятларини таъминланиши тушунилади. Хавфсизлиги деганда эса, ички ва ташки хавфларидан ҳимояланиши тушунилади.

Қонунларда белгилangan хуқуқ за мажбуриятлар барча учун баробар юридик кучга эга ва барча ҳокимият органлари, фуқаролар ва юридик шахслар томонидан амалга оширилиши шарт. Бу ер муносабатларининг барча субъектларининг хуқуқ ва мажбуриятларига ҳам бир хил даражада алоқадордир.

Бу тамойилга асосан давлат ердан оқилона фойдаланиш, унинг сифатини яхшилаш ва муҳофаза қилиш бўйича тадбирларнинг сиёсий, иқтисодий, ташкилий ва хуқуқий характеристини амалга оширади.

Бу тамойилга асосан ер муносабатлари қатнашчиларининг хўжалик фаолиятига аралashiш ёки ер учаскасига бўлган ҳукуқни мажбурий тўхтатилиши қонунда кўзда тутилган ҳоллардагина амалга оширилиши мумкин.

Бу тамойилга асосан ер муносабатлари қатнашчилари ўзлари қабул қилаётган ва юритаётган фаолиятлари натижасида юзага келадигаи ижтимоий ва иқтисодий окибатлар учун жавобгардирлар..

Бу тамойил асосан ерларнинг ҳолати тўғрисида ўз вақтида олинган ва ишончли маълумолар бошқарув жараёнида тўғри қарор қабул қилишга хизмат қилади ҳамда Республикадаги барча ер муносабатлари қатнашчилари учун маълумот олиш имконияти мавжуд ва очик бўлади.

Ер ресурсларининг давлат бошқаруви қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

а) Давлат қонунчилиги, меъёрий-ҳукукий актларни, минтақавий дастурлаш ва режалаштириш ҳамда қарорларини амалга ошириш йўлларини ишлаб чиқиши.

б) Давлат томонидан режали, молиявий ва инвестицион сиёsatни юритиши;

в) Конунчилик талаблари ва меъёрий-ҳукукий ҳужжатлар билан таъминлаш талабларини бажариш;

г) Ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилишни иқтисодий рағбатлантириш механизмини юритиши;

д) Ернинг ҳолатини назорат қилиш, улардан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилинишини таъминлаш, ер қонунчилиги бузулган ҳолларда айборларни жавобгарликка тортиш

е) Давлатнинг ер муносабатларини субектларини лицензиялашни, сертификатлашни ва суғурта қилиш ишларини юритиши;

ж) Давлат тарғибот ва ўқитиши ишларини давлат томонидан таъминланиши.

Бу тамойилга кўра, ердан фойдаланишни ҳукукий бошқаруви ҳарбир минтақанинг иқтисодий ва табиий ҳоссаларидан келиб чиқиб амалга оширилиши керак.

Давлатнинг ер ислоҳоти фақатгина мулкчилик шаклининг ўзгаришига эътибор қаратмаслиги керак, балки ерлардан фойдаланишнинг бир қатор комплекс омилларини ҳисобга олиш керакки, бунинг натижасида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ва ердан фойдаланиш самарадорлиги юқори кўрсаткичларга эришсин.

Йирик капитал ажратмаларсиз, ердан оқилона фойдаланиш, мелиоратив тадбирларини амалга ошириш, ер турларининг маданийлашганлик даражасини кўтариш, ўсимликларни ҳимоя қилиш ва бошқа йирик қишлоқ хўжалик тадбирларини амалга ошириш мумкин эмас.

Ерлардан оқилона фойдаланиш ўзида экологик-иктисодий тушунчаларни ҳам мужассамлайдики, бу ердан хўжалик фойдаланиш жараёнида кам харажат ҳисобига юқори самарадорликка эришиш ва тупроқ унумдорлигини сақлаш ҳамда оширишни ўз ичига олади.

Бу тамойилга кўра ҳар қандай ер участкасидан ерга бўлган ҳукуқни давлат томонидан рўйхатга олингандан кейин белгилангандан бошқа максадларда фойдаланиш қонун йўли билан таъкиқланади. Бу тамойилни бузганлиги учун маъмурий жавобгарликка, қўпол тарзда бузилган ҳолларда жиноий жавобгарликка тортилади.

Бу тамойилнинг мазмuni ер муносабатлари қатнашчиларининг берилган ер участкасига бўлган ҳукуқининг, фойдаланиш усулининг давомийлигини ва худудий бирлигининг яқдиллигини ифодалайди. Бу эса ердан оқилона фойдаланиш ва унга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлишини таъминлайди. Ер участкасига бўлган ҳукуқни давомийлиги қонунда белгиланган ҳоллардагина тўхтатилиши мумкин.

Бу тамойил мазмuni яна ўз ичига ердан фойдаланишда экологик турғунликни таъминлашни олади. Бу эса ерларни табиий ва антропоген таъсиrlарнинг салбий

окибатларини олдини олиш ҳамда ҳар хил эрозияга қарши кураш тадбирларини қўллаш орқали амалга оширилади. Алоҳида ҳолларда ерларни консервациялаш талаб этилади.

Консервациялаш - бу ерларни хўжалик оборотидан чиқариш демакдир (кучли эрозияга учраган ерларни, ўйланган ерларни ва кам ҳосилдор ерларни). Бу саволни ечиш учун ерларни консервациялашга ўтказиш шартлари ишлаб чиқилади. Бундай ҳосилни йўқотилишидан белгиланадиган компенсация миқдори, консервация қилинган ерларга бўлган ҳуқуқлар ва мажбуриятлар, консервация бюджетга ҳамда консервация компенсациясини ер эгалари ва ижарачиларга тўлаш тартиби белилади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш ер ресурсларидан фойдаланганлик учун тўловларни жорий этишга олиб келди.

Эскича муносабатда, яъни ердан фойдаланганлик учун тўловлар жорий этилмаган ҳолларда ернинг ҳолатига ва ердан фойдаланиш самарадорлигига акс таъсир этди. Ердан фойдаланганлик учун тўловларни жорий этилиши ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларни ерга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга ҳамда ердан самарали ва оқилона фойдаланишга мажбур этди.

Ҳаракатдаги ер солиғиставкаларинибелгилаш,унинг тақсимланиши ва фойдаланиши янада такомиллаштиришни талаб этди. Ер солиғи мамлакат бюджети манбалари ичida салмоқли рол уйнайди. Ер солиғи турларидан келиб чиқиб, солиқ зоналарига ажратилган ҳолда белгиланади.

1.2. Ер муносабатларини тартибга солувчи қонунлар ва қонуности ҳужжатлари тизими билан танишиш.

. Норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг умумий тушунчаси Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-хуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган қонунида ўз аксини топган. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва “Ер кодекси”дан ташқари ер муносабатларини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларига қўйидагилар киради:

- Ўзбекистон Республикаси қонунлари;
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори, фармон, фармоишлари;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари;
- Вазирлик ва давлат қўмиталари ҳужжатлари;
- Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳужжатлари.

Норматив-хуқуқий ҳужжатлар қонунчилик ҳужжатлари хисобланиб Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари қонунчилик ҳужжатлари хисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори, фармони, фармоишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, вазирлик ва давлат қўмиталари ҳужжатлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳужжатлари қонун остихужжатлари хисобланади.

Ўзбекистон Республикасида Конституция ва қонунларнинг олийлиги сўзсиз тан олинади. Конституциявий қоидалар ер ва бошқа ҳуқуқ тармоқлари учун асос бўлиб хизмат қиласи. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қоидаларининг устуворлиги шу билан изоҳланади, у бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатлар – қонунлар тизимида олий юридик кучга эга ва бутун давлат тўғридан-тўғри амал қиласи.

Ўзбекистон Республикасида қонун ва бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида ва унинг ижросини таъминлаш учун қабул қилинади ва унга зид бўлиши мумкин эмас.

Қонун – муҳим ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган алоҳида тартибда қабул қилинадиган норматив хужжат. Қонун доимо нормативдир, яъни унда юридик нормалар – қўлланилиши ҳолати микдори номуайян муддатга мўлжалланган, юриш-туришнинг умумий қоидалари мустаҳкамланган. Қонунга бошқа барча ҳуқуқий хужжатлар – ҳам норматив, ҳам индивидуа хужжатлар мос бўлиши лозим, зотан шу сабабдан ҳам улар қонунисти хужжатлар деб номланади.

Ўзбекистон Республикаси Қонунлари энг муҳим ва барқарор ижтимоий муносабатларни тартибга солади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ёки референдум ўтказиши йўли билан қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Қонуннинг имзоланиши нафақат унинг қонун қабул қилинишига розилигини, балки давлат бошлигининг Конституция кафолати сифатида барча ҳокимият тармоқлари ва органларининг қонун талаблариға сўзсиз буйсунишлари ҳамда унинг ижросини таъминланишини ҳам англатади.

Қонунчиликнинг ҳар бир тармоғи инсонлар ўртасида вужудга келувчи ва улар томонидан тегишли объектлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш борасидаги аниқ, мустақил ижтимоий муносабатлар соҳасини тартибга солади.

Умуман олганда, ер муносабатларини тартибга солишида юзлаб норматив-ҳуқуқий хужжатлар амал қиласиди, уларни ўз навбатида қўйидагича таснифлаш мумкин:

1. Норматив-ҳуқуқий (*Конституция, қонунлар, фармон, қарор, йўриқнома, низом ва уставлар*)
2. Норматив-техник (*стандартлар, кўрсатма ва нормативлар*)

Ер қонунчилиги қонунчиликнинг конституциявий, давлат, фуқаролик, маъмурий, жиноий, меҳнат, экология ва бошқа тармоқлари билан узвий боғлиқ. Бироқ шу билан бирга улар ўзига хос хусусиятга эга бўлиб бошқа тармоқ қонунчилик хужжатларидан мазмuni ва моҳияти билан тубдан фарқ қиласиди.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, ер табиатнинг мустақил объекти сифатида атроф табиий муҳитнинг ажралмас қисми ҳисобланади ва шу туфайли, ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш билан боғлиқ муносабатлар экология қонунчилиги билан тартибга солинади. Боз устига ернинг қишлоқ хўжалиги саноатининг муҳим воситаси сифатидаги функцияси мулкий муносабатларни (*ҳосил етишириши, шартнома муносабатларини вужудга келтириши ва ҳ.к.*) тартибга солиш бўлиб, фуқаролик, хўжалик ва қишлоқ хўжалик, молия ва бошқа қонунчилик билан умумий жиҳатларга эга.

2-амалий машғулот:

Маъмурий - субъектлар ўртасида худудлар чегарасини белгилаш, фуқаровий – ер участкалари билан боғлиқ битимларни амалга ошириш, молиявий – ердан фойдаланганлик учун ер солигига тортиш, агарар ҳуқуқда қишлоқ хўжалик экинларини парвариш қилиш учун фойдаланиш

Режа

1. Маъмурий - субъектлар ўртасида худудлар чегарасини белгилашда фойдаланиш масалалари билан танишиш,
2. Фуқаровий – ер участкалари билан боғлиқ битимларни амалга оширишда фойдаланиш масалалари билан танишиш.
- 3 Молиявий – ердан фойдаланганлик учун ер солигига тортишда фойдаланиш билан танишиш

4.Аграр хукуқда қишлоқ хўжалик экинларини парвариш қилиш учун фойдаланиш масласи билан танишиш

2.1. Маъмурий - субъектлар ўртасида ҳудудлар чегарасини белгилашда фойдаланиш масалалари билан танишиш

Ер муносабатларини тартибга солиш тизимида маъмурий, яъни турли субъектлар щртасидаги ҳудудий чегараларни белгилаш ва ўрнатиш, шу асосда, турли субъектлар ва ердан фойдаланувчилар ўртасида ер муносабатларини тартибга солиш бугунги кунда долзарб масалага айланган. Буни, албатта, ер тузиш тадбири орқали амалга ошириш мумкин. Ер тузишнинг маъноси Ўзбекистон Республикаси “Ер Кодекси”нинг 12- моддасида ўз аксини топган. Унга кўра, ер тузиш, ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни ташкил этишга, ер ресурсларини ҳисобга олиш ва баҳолашга, кулай экологик муҳитни вужудга келтиришга ва табиий ландшафтларни яхшилашга, ер тузишнинг ҳудудий ва ички хўжалик режаларини тузишга қаратилган тадбирлар тизимини ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг ушбу моддаси мазмунидан кўриниб турибдики, ер тузишнинг асосий вазифаси ҳалқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида ерлардан самарали фойдаланишни ташкил этишдир. Унинг ёрдамида ерлардан фойдаланишнинг кулай шароитлари ташкил этилди, ҳудудий, тармоқ, индивидуал (ички хўжалик) хусусиятлари ҳисобга олинади.

Ер тузишнинг негизида ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилиш, ердан фойдаланиш ва эгалик қилишнинг табиий қишлоқ хўжалик минтақаларига бўлинишини ҳисобга олиш ва барча шаклдаги ерга эгалик қилувчилар, ердан фойдаланувчилар, ер ижарачилари, ер мулкдорлари мақомининг ҳамда ер участкалари сифати ва жойлашган жойи бўйича ҳар хил бўлган ерларда хўжалик юритишнинг бир хил ва teng шароитларини таъминлаш масалалари ётади. Ер участкаларининг миқдори (*ўлчами*), сифати, қиймат баҳоси ва жойлашган жойи бўйича ер солиғининг белгиланиши, ижара ҳақи тўлаш, қишлоқ хўжалик кооперативларининг пай жамғармасини белгилаш, шунингдек ер ажратиб беришдан хўжалик юритувчи субъектларнинг кўрган зарари ва нобудгарчилиги ўринини қоплаш бўйича маълумотларни йиғиш ҳам ер тузишнинг асосий масалаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Ер тузиш ишларининг амалга оширилиши қишлоқ хўжалигида хўжалик юритишнинг замонавий шаклларини тадбиқ этиш, меҳнатнинг самарали услубларини белгилаш, алмашлаб экиш ва мелиорацияни кўллаш учун маълумотли асос бўлади.

Ер тузиш ишлари Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Мажкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорига ёки юридик ва жисмоний шахсларнинг талабномаларига мувофиқ ер тузиш хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

Ер тузиш хизмати органларининг фаолиятини умумлаштирадиган бўлсак, улар умумдавлат, тармоқ, идоравий, хўжаликлараро ҳамда ички хўжалик каби ер тузиш ишларини амалга оширади.

Умумдавлат ер тузиш ишлари амалга оширилганда ер ҳудудларининг асосий мақсадий фойдаланиш кўрсаткичлари аниқланади; ер захираларидан самарали фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг катта ҳудудий, мажмуа режалари ишлаб чиқилади; вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ва бошқа аҳоли жойларида ердан фойдаланишнинг бош алоҳида-алоҳида самарали усуслари ишлаб чиқилади ёки режалаштирилади ва истиқболлари белгиланади; ерларни яхшилаш (*мелиорация қилиши*), қайта тиклаш (*рекультивация қилиши*), сув ва шамол емиришига қарши кураш мақсадли дастурлари ишлаб чиқилади.

Бундан ташқари умумдавлат миқиёсида ер тузиш олиб борилганда тармоқлараро ерларни тақсимлашнинг узоқ муддатли ва қисқа муддатли режалари ва истиқболлари илмий асосларда ишлаб чиқилади. Бунда ҳалқ хўжалиги тармоқларининг ер захираларига бўлган

келгуси талаблари чамаланади, фойдаланилмаётган ва ёмон фойдаланилаётган ерлар аниқланади. Умумдавлат ер тузиш ишларида амалга ошириладиган тадбирларнинг ҳаммаси ердан фойдаланишнинг бош (*ҳудудий*) схемаларида ҳамда дастурларда ўз аксини топади.

2.2. Фуқаровий – ер участкалари билан бөглиқ битимларни амалга оширишда фойдаланиш масалалари билан танишиш

Ер участкаларига бўлган хукуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш. Ер участкаларига бўлган мулк хукуқи бундай хукуқга оид давлат ордери, олди-сотди шартномалари ва ер участкаларига мулк хукуқи юзага келиш учун асос бўладиган қонун хужжатларида назарда тутилган хадя этилганлиги, алмаштирилганлиги тўғрисидаги битимлар ва бошқа хужжатлар асосида тартибга солинади.

Ер участкаларига эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш хукуқи тегишли органларнинг ер бериш тўғрисидаги қарорлари асосида рўйхатдан ўтказилади.

Ерни ижарага олиш хукуқи ер участкасини ижарага олиш шартномаси асосида рўйхатдан ўтказилади.

Сервитутлар ва ерга бўлган хукуқларни бошқа чеклашлар суд қарорлари асосида ҳам рўйхатдан ўтказилади.

Ер участкасидан ўзгаларнинг ҳам қисман фойдаланиши мумкинлиги давлат ҳокимияти органларининг қарорлари ёхуд қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа хужжатлар асосида рўйхатдан ўтказилади.

Бинога, иморатга ва иншоотга бўлган мулк хукуқи бошқа шахсга ўтиши натижасида юзага келган ер участкасига эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш хукуқи ана шу мулкдорларнинг олди-сотдиси, алмаштирилганлиги, хадя этилганлиги, васият қилинганлиги тўғрисидаги тегишли шартномалар ва бошқа шартномалар, мулкдорларнинг ёки улар томонидан вакил қилинган орган ёки шахсларнинг қарорлари, шунингдек бинога, иморатга, иншоотга мулк хукуқи ундан бошқага ўтаётган шахснинг ер участкасига тегишли хужжатлари (*тегишли давлат ҳокимият органларининг қарори билан расмийлаштирилгандан кейин*) асосида рўйхатдан ўтказилади.

Ер участкаларига бўлган хукуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш натурада ер участкалари чегаралари аниқлангандан, расмийлаштиришнинг рўйхатдан ўтказиш йифими тўлангандан ва хужжатлар берилгандан кейин туман (*шаҳар*) ер кадастри дафтарнинг таркибий қисми ҳисобланган ер участкаларига бўлган хукуқлар Регистрида амалга оширилади.

Ерларнинг миқдори ва сифатини ҳисобга олиш. Ерларнинг миқдори ва сифатини ҳисобга олиш уларнинг ҳақиқий ҳолати ва ерлардан фойдаланилишига қараб, ер участкалари ва майдонлари, аҳоли пунктлари, туманлар, вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва умуман Ўзбекистон Республикаси бўйича амалга оширилади.

Ер участкалари бўйича ер миқдорини ҳисобга олиш ер участкаларининг ўлчами, уларнинг қиммати ва талаб қилинадиган ўлчаш аниқлигига қараб, геодезик ва картометрик усуулларда амалга оширилади.

Ер майдонлари бўйича ер миқдорини ҳисобга олиш ер участкалари доирасида асосан картометрик усуулда амалга оширилади.

Ер сифатини ҳисобга олиш табиий қишлоқ хўжалиги бўйича районлаштиришни, тупроқ ва ерларни таснифлашни, уларни агрономик, экологик, технологик ва шаҳарсозлик белгилари бўйича тавсифлашни, тупроқни гурухларга ажратишни ўз ичига олади.

Ерларни қиймат жиҳатдан баҳолаш. Турли мақсадларга мўлжалланган ерлардан фойдаланиш самарадорлигининг ҳозирги вақтдаги даражасини аниқлаш, келажакда уни амалга ошириш имкониятларини таҳлил қилиш, асослаш, ер солиги ва бошқа тўловларни, унинг норматив баҳосини ҳисоблаб чиқариш, ерларни давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун

олиб қўйишда йўл қўйилган нобудгарчилик ва қўрилган заарларни қоплаш, ерлардан оқилона ва самарали фойдаланиши рағбатлантириш учун амалга оширилади.

Барча тоифадаги ерларни баҳолаш қонун хужжатларида белгиланган тартибда натура (*ерларнинг ҳар бир тоифаси учун ўзига хос бўлган*) ва қиймат қўрсаткичлари тизими ёрдамида амалга оширилади.

Ерларнинг қиймат баҳосига ва тупроқ бонитетига доир маълумотлар ер баҳосига оид ахборотни ташкил этади.

Ерларни рўйхатга олиш, ҳисобга олиш ва баҳолашга доир асосий ва жорий ахборотлар ер кадастри ахбороти мажмуини ташкил этади.

2.3 Молиявий – ердан фойдаланганлик учун ер солигига тортишда фойдаланиш билан танишиш

Ўзбекистон Республикасида “Солиқ кодекси”да белгиланишича, юридик шахслар учун ер солигини солиш обьекти уларга мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкалари бўлса, Ўзбекистон Республикасининг “Солиқ кодекси” 288-моддасига биноан, жисмоний шахслар учун ер участкалари солиқ солиш обьекти қўйидагилар бўлади:

1) дехкон хўжалиги юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга берилган ер участкалари;

2) якка тартибда уй-жой қурилиши учун мерос қилиб қолдириладиган, умрбод эгалик қилишга берилган ер участкалари;

3) жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилигини юритиш учун берилган, шунингдек якка тартибдаги гаражлар эгаллаган ер участкалари;

4) хизмат юзасидан берилган чек ерлар;

5) мерос бўйича, ҳадя қилиниши ёки олиниши натижасида уй-жой ва иморатлар билан биргаликда мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи ҳам ўтган ер участкалари;

6) қонун хужжатларида белгиланган тартибда мулк қилиб олинган ер участкалари;

7) тадбиркорлик фаолияти юритиш учун фойдаланишта ёки ижарага берилган ер участкалари. Шу ўринда таъкидлаш ўринлики, кўп квартирали уйлар эгаллаган ер участкалари солиқ солиш обьекти бўлмайди.

Ер ҳуқуқига оид адабиётларда ер солигини белгилаш мезони бўлиб хизмат қилувчи уч жиҳати ажратиб қўрсатилади, булар:

1) ернинг асосий фойдаланишта мўлжалланган мақсади, яъни ер участкасининг қайси ер фонди тоифасига мансублиги;

2) ер сифатияни ер участкасининг муайян хўжалик эҳтиёжлари учун яроқлилиги даражаси;

3) ер участкасининг аниқ жойлашган манзили (*иқтисодий самарадорликнинг юкорилиги, йўл харажатларининг арzonлигига таъсир этади*).

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларининг, шу жумладан ер солиги ставкалари, Ўзбекистон Республикасининг “Солиқ кодекси”нинг 7-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президентиннинг қарори белгиланади.

Шаҳар ва шаҳарчаларнинг маъмурӣ чегараларида жойлашган қишлоқ хўжалиги аҳамиятига молик ерлар учун ер солиги қишлоқ хўжалиги ерлари учун белгиланган ставкаларнинг икки баравари миқдорида тўланади.

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун эса, ягона ер солигини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби белгиланган бўлиб, бу маълум даражада бошқа мақсаддаги ер участкаларидан фойдаланганлик учун ундириладиган ер солиғидан фарқланади.

Бунда солиқ солинадиган ер участкаларининг қонун хужжатларига мувофиқ белгиланган норматив қиймати солиқ солинадиган база ҳамда қишлоқ хўжалигини юритиш учун эгалик қилишга, фойдаланишга ёки ижарага берилган ер участкаси солиқ солиш обьекти ҳисобланади.

Шу ўринда таъкидлаб ўтишимиз лозимки, Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни 14-моддасида ер участкасидан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш белгиланган бўлиб, унинг 3-бандида кўрсатилишича, фермер хўжалиги тегишли лойиҳада назарда тутилган ерни ўз хисобидан ўзлаштираётган даврда ва ер ўзлаштириб бўлинганидан кейин беш йил давомида ернинг мазкур ўзлаштирилган қисми учун ягона ер солиғи тўлашдан озод қилинади. “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонунда белгиланган муддатни шартли равишда иккига бўлишимиз мумкин:

- 1- ерни ўзлаштиргунга қадар бўлган муддат;
- 2- ўзлаштириб бўлгандан кейинги муддат.

Сўнгти ҳолда муддат беш йил қилиб белгиланган бўлса, биринчи ҳолатда қонунда унинг қанча муддатдан иборат бўлиши аниқ кўзда тутилмаган.

Юридик шахсларда ер солиғи бўйича имтиёз хуқуклари вужудга келган тақдирда, солиқ солинадиган база ушбу хуқуқ вужудга келган ойдан эътиборан камайтирилади. Ер солиғи бўйича имтиёз хуқуқи бекор қилинган тақдирда, солиқ солинадиган база ушбу хуқуқ бекор қилинганидан кейинги ойдан эътиборан ҳисоблаб чиқарилади (*кўпайтирилади*).

Ер солиғи, солиқ тўловчининг жойлашган еридан қатъи назар ҳудудида ер участкаси жойлашган туман ёкн шаҳарнинг маҳаллийбюджетига тўланади. Агар ер участкаси ҳам туман, ҳам шаҳар ҳудудида жойлашган бўлса, солиқ ҳудди шу тартибда тўланади.

2.4.Агар ҳуқуқда қишлоқ хўжалик экинларини парвариш қилиш учун фойдаланиш масаласи билан танишиш

Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерларнинг умумий хусусияти шундан иборатки, бу ерлар қишлоқ хўжалигига асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 1-моддасида ер умуммиллий бойлик, Ўзбекистон Республикаси халқи ҳаёти, фаолияти ва фаровонлигининг асоси сифатида ундан оқилона фойдаланиш зарур ва у давлат томонидан муҳофаза қилинади деб таъкидлангандир. Қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланиш кўзда тутилган барча ерлар, халқ хўжалигини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига тобора ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш мақсадида ер ислоҳоти ва қишлоқ хўжалиги ислоҳоти талабларига мувофиқ қишлоқ хўжалиги юритиш фаолияти билан шуғулланувчилар томонидан фойдаланилади.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар аввало, қишлоқ хўжалиги корхоналарига берилади. Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”да белгиланишича, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар қишлоқ хўжалигини юритиш учун зарур бўлган қишлоқ хўжалиги ерлари ва дараҳтзорлар, ички хўжалик йўллари, коммуникациялар, ўрмонлар, ёпик сув ҳавзалари, бинолар, иморатлар ва иншоотлар эгалланган ерларга ажралади (*43-модда*). Шунингдек ҳайдаладиган ерлар, ничанзорлар, яйловлар, ташландик ерлар, кўп йиллик дов-дараҳтлар (*боғлар, токзорлар, тутзорлар, мевали дараҳт кучатзорлари, мевазорлар ва бошқалар*) эгаллаган ерлар ҳам қишлоқ хўжалиги ерлари жумласига киради.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ичida сугориладиган ерлар муҳим ўринни эгаллайди. Суғориш учун яроқли бўлган, сув ресурслари шу ерларни суғоришни таъминлай оладиган суғориш манбаи билан боғланган доимий ёки муваккат суғориш тармоғига эга бўлган ерлар суғориладиган ерлар жумласига киради.

Ер участкаларидан фойдаланиш мақсадига қараб қишлоқ хўжалик корхоналари ерлари товар қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиришга мўлжалланган ҳамда қишлоқ хўжалигига мулжалланмаган ерларга (*уй-жойлар, бинолар, иншоотлар, йўллар ва х.к.*) бўлинади. Сув билан таъминланганлик даражасига қараб қишлоқ хўжалиги корхоналари ерлари суғориладиган ерлар ҳамда лалми ерлари тоифаларига бўлинади. Юқоридагилардан ташқари,

қишлоқ хўжалик корхоналарнинг ерлари хўжалик юритиш шаклига қараб жамоа фонди ерлари ва дехқон хўжалиги юритиш учун ажратилган ерлар тоифаларига бўлинади.

Маълумки барча қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлар кимнинг фойдаланишида бўлишидан қатъий назар, фойдаланиш мақсадлари ҳамда қонунда белгиланган ҳукукий ҳолатларига кўра маълум умумий ўхшашликка эга.

Бундай ерлардан, яъни қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ҳукуқининг субъектлари Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахслар бўлишлари мумкин.

Амалдаги ер қонунчилигига биноан ердан фойдаланувчилар уларга берилган ердан фақат қонунда кўрсатилган мақсаддагина фойдаланишлари мумкин. Масалан, қишлоқ хўжалиги кооперативи (*ширкат хўжалиги*) ўзига берилган ердан асосан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадидагина фойдаланишликка ҳақли.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, қишлоқ хўжалиги корхоналари ўзларига бериб қўйилган ерлардан аввало қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни амалга оширсалар, иккинчи томондан улар ердан ишлаб чиқариш бинолари қуриш, ёрдамчи хўжаликлар барпо этиш, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш, турар-жой ва маъмурий бинолар, маданий-маиший бинолар қуриш учун ҳам фойдаланадилар.

3-амалий машғулот

Ҳукукий тартибга солиш предмети сифатида ер муносабатларининг худудий базис, мулкий, ер-ишлаб чиқариш каби турли қўринишлари

Режа

1. Тартибга солиш предмети сифатида ермуносабатларини худудий базис қўриниши.
2. Тартибга солиш предмети сифатида ермуносабатларини мулкий базис қўриниши.
3. Тартибга солиш предмети сифатида ермуносабатларини ер-ишлаб чиқариш қўриниши.

4 амалий машғулот

Рақамли иқтисодиёт шароитида ер муносабатларини тартибга солишнинг хусусияти уларнинг иқтисодий характерга эга эканлиги

Режа

1. Рақамли иқтисодиёт шароитида ер муносабатларини тартибга солишнинг хусусияти.
2. Рақамли иқтисодиёт шароитида ер муносабатларини иқтисодий характери

4.1. Рақамли иқтисодиёт шароитида ер муносабатларини тартибга солишнинг хусусияти


Ер муносабатларини давлат томонидан тартибга солиш давлат ижрочилик ҳамда қонунчилик ҳокимиятлари назорати остида фуқаролар манфаатлари йулида амалга оширилади. Сиёсий, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва иқтисодий манфаатлар тизимида иқтисодий манфаатлар устивор ҳисобланади.

Давлатнинг ер тузумига таъсир жараёни хар хил: ҳукукий, иқтисодий ва ташқилий тадбирлар ёрдамида амалга оширилади.

- Ҳукукий тадбирлар ўзида мажбуриятлар белгилаш ва давлат томонидан мажбурлаш тадбирларини мужассамлаштиради.

- Иқтисодий тадбирлар - ер муносабатларини ривожланишини солиқча тортиш, кредитлаш, мақсадли молиялаш, ердан фойдаланишини режалаш ва уларни рағбатлантириш.

**Ер муносабатларни тартибга солиш борасида давлат
бошқарув органларининг тизими.**



Ер тузиш органларининг мақсади - ердан фойдаланишда тартиб ва аниқликни таъминлаш, ерга бўлган мулкий хукуқларни мустаҳкамлаш, мулкий хукуқларнинг бир шахсдан (*ташкилот, муассаса*) иккинчи шахсга ўтиш жараёнини енгиллаштириш, ердан мақсадга мувофиқ холда фойдаланишни ва уни муҳофаза қилишни ташкил этишdir. Шунинг учун ҳам бу органларга ер кадастрини юритиш, ерларни ажратиш ва қайтариб олиш, ер низоларини ечиш, хўжаликларда ҳудудни ташкил этиш, ердан фойдаланишни режалаш ва назорат қилиш ҳамда ер қонунларини ҳаётга жорий этиш вазифалари юкланади.

Ер тузишнинг иқтисодий, техник ва хуқуқий томонлари бор.

Ер тузишнинг хуқуқий томони - ер тузиш ишини кўзлаш, бажариш ва юритиш тартибини;

Ер тузишнинг техник томони -хужжатларни тузиш, расмийлаштириб бериш тартибини ва уларнинг мазмунини;

Ер тузишнинг иқтисодий томони эса ер тузиш ишларини ташкил этиш ва уларнинг технологияларини, баҳоларини, молиялашни аниқлади.

Давланинг ер сиёсатини амалга оширишда ер тузиш давлат ҳокимияти органи билан ҳамкорликда харакат қилиб, давлат томонидан зарур хукуқлар ва ваколатлар билан кафолатланиши мумкин. Шундагина, давлатнинг ер сиёсатини амалга ошириш юқори самара беради.

Давлат томонидан ўтказиладиган ер сиёсати жамият ер тузумига мос ер муносабатларини қарор топтиришга асосланади.

Ер муносабатларини давлат томонидан тартибга солиш ва уни бошқаришнинг иқтисодий усулларини кўриб чиқадиган бўлсак. У қуйидагилардан иборат:

- Табақалаштирилган тўловларни белгилаш;
- Ерлардан самарали фойдаланишини иқтисодий рағбатлантириш ва ерганисбатан хўжасизларча муносабатда бўлганлик, тупроқ унумдорлигинипасайтирганлик учун иқтисодий чораларни қўллаш;
- Қишлоқ хўжалик ерларини бошқа мақсадлар (*саноат, транспорт ва б.*)учун олишдан иқтисодий ҳимоялаш;
- Давлатнинг инвестиция ва кредит-молия сиёсати.

Ер кадастри ва ер мониторинги маълумотларидан фойдаланиб, ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар ерларининг майдонлари ва чегаралари, ерларнинг сифат тавсифи белгиланади ва улар ер солиғини ҳисоблашда ва ижара ҳақини белгилашда асосий ахборот маълумотлари базаси сифатида хизмат қиласди.

4.2. Рақамли иқтисодиёт шароитида ер муносабатларини иқтисодий характери

Давлат томонидан ўтказилаётган ер сиёсати ҳамма вақт ҳам жамият ер тузумига мос ер муносабатларини қарор топтиришга асослангандир. Уларни тартибга солиш ҳуқуқий ва иқтисодий қисмлардан иборат маълум механизм ёрдамида амалга оширилади.

Ҳуқуқий қисм аввало ер қонунлари билан аниқланадиган ва бажарилиши мажбурий бўлган меъёрлар ва қоидаларни ўз ичига олади. Уларнинг бажарилиши давлат ҳокимияти органлари, ер тузиш хизмати, суд маҳкамалари томонидан назорат қилинади.

Иқтисодий механизм ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларга маълум ер сиёсатини, ердан фойдаланишнинг устивор йўналишларини амалга оширишга, ер мулкчилигининг асосий шаклларини мустаҳкамлашга қаратилган моддий чораларга асосланади.

Иқтисодий механизмнинг асосий элементлари жумласига қуйидагилар киради:

- табақалаштирилган тўловларни белгилаш;

• оқилона ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланишини иқтисодий рағбатлантириш ва ерга нисбатан хўжасизларча муносабатда бўлганлик, тупроқ унумдорлигини пасайтирганлик учун иқтисодий чораларни қўллаш;

• қишлоқ хўжалиги ерларини бошқа мақсадлар (*саноат, транспорт ва ш. ў.*) учун олишдан иқтисодий ҳимоялаш;

- давлатнинг инвестиция ва кредит-молия сиёсати.

Ер тузиш тизими ўз ичига белгили ер тузиш ишларини, хужжатларни, органларни олади ва ер муносабатларини тартибга солишнинг иқтисодий механизмидан фойдаланишнинг асосий қуроли ҳисобланади. Масалан, ер тузиш даврида ер кадастри ва ер мониторинга маълумотларидан фойдаланган ҳолда, ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчилар ерларининг майдонлари ва чегараларн, ерлариинг сифат тавсифи белгиланади ва улар ер солиғини ҳисоблашда ва ижара ҳақини белгилашда асосий ахборо маълумотлари базаси сифатида хизмат қиласди, Бундан ташқари, ер тузишда ерлардан фойдаланишнинг маҳсус тартиби ва шароитлари, сервитуглар аниқланади, ер унумдорлигини бошланғич ҳолатига тавсиф берилади, мелиорация, рекулхтивация, тупроқни эрозиядан саклаш тадбирлари белгиланади. Бу бошлиғич кўрсаткичларни худуддан фойдаланишнинг мавжуд ҳолати билан солишириб, давлат ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларга нисбатан иқтисодий таъсир чораларини қўллаши мумкин.

Ердан рационал фойдаланишини иқтисодий рағбатлантириш мақсадида ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар белгили муддатга ер учун тўловлардан озод қилиниши, ер солиғини тўлашда имтиёзлар олиши мумкин. Давлат ва маҳаллий ҳокимият ерларни тиклаш ёки рекулхтивациялаш учун бюджет маблағини ажратиши, уларни вактинча фойдаланишдан чиқаришда (*консервациялаш*) қоплама тўловлар тўлаши, экологик тоза маҳсулотлар учун юқори баҳо белгилаши, ер сифатини яхшилагани, тупроқ, унумдорлигани оширгани учун ер эгаларини рағбатлантириши мумкин.

Шу билан бир қаторда, тупроқ унумдорлигани пасайтирганлиги, эрозия жараёнининг ривожланишига йўл қўйганлиги, ер ва табиатни муҳофаза қилиш бўйича қонунларни бузганлиги учун жарималар белгиланиши ва ерни қайтариб олишгача бўлган жазо чоралари қўлланиши мумкин.

Ер тузиш жараёнида қишлоқ хўжалик ерларини иқтисодий ҳимоялаш амалга оширилади. Масалан, ноқишлоқ хўжалик корхоналари, ташкилотлари ва муассасаларига ер ажратиш ва ерларни қайтариб олиш, улар ерларини тартибга солиш (*камчиликларни тугатиш*) хўжаликлараро ер тузиш ёрдамида амалга оширилади. Унда олинаётган ерларнинг таркиби ва қиймати аниқланади, ер ажратишнинг ишлаб чиқаришга, аҳолига, худудни ташкил этишга, ерни ва атроф муҳитни ҳимоялашга салбий таъсирини тугатиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқлади, ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчиларга етказилган ва қопланадиган заар миқдорлари, қишлоқ хўжалиги заари ва уларни қоплаш усуллари аниқланади ва асосланади.

Ер тузиш тизимида ишланадиган келажакни башоратлаш ердан фойдаланиш ва уни муҳофазалаш бўйича давлат ва минтақавий дастурлар, ер ресурсларидан фойдаланиш муҳофаза этиш чизмалари ҳамда ер тузиш чизмалари давлатимиз ва унинг минтақалари даражасида ишланадиган режа олди ва лойиха олди ишларининг умумий тизимиға киради. Улар ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, ерни муҳофаза этиш масалаларини бир-бири билан боғлиқ ҳолда ечишга қаратилган, улар яна ер муносабатларини тартибга солишга, ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчиларнинг устивор шаклларини ривожлантиришни қўллаб-куватлашга қаратилган инвестиция ва кредит-молия сиёсатини амал ошириш учун илмий асос ҳисобланишади.

Ер муносабатларини тартибга солишнинг иқтисодий механизминг моҳияти-фаолияти ер ҳолатига таъсир қилувчи жисмоний ва юридик шахсларга ижтимоий-иқтисодий усулларни қўллашда намоён бўлади ҳамда ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш бўйича қонунчилик талабларини бажаришга ундайди. Мазкур усуллар тизими экологик таълим-тарбия, қонун ва қонуности меъёрий хужжатлар, ташкилий ва назорат тадбирлари билан биргаликда, ердан фойдаланиш фаолиятида экологик талабларга ихтиёрий ва вижданан риоя этилиши учун муносиб маънавий муҳит яратиши лозим.

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

1. Рақамли иқтисодиётда ер муносабатларини тартибга солиш таркибида ахборотлар базасини яратиш ва таъминоти жараёнида маълумотларни йиғиши бўйича муаммоларни хал этишга оид кейс.

Кейс топшириғи. Рақамли иқтисодиётда ер муносабатларини тартибга солишаҳборот таъминотида маълумотлар йиғиши бўйича муаммоларни хал этишга оид масалаларга эътибор қаратинг:

1. Махсус электрон дастурлар мавжуд эмас.
2. Мутахассислар мавзу бўйича малакавий кўникмага эга эмас.
3. Махсус хона жиҳозланмаган.
4. Маълумотларни масофадан узатиш масалалари он лайн тизимиға ўтказилмаган.
5. Услубий кўрсатмалар нусҳалари етарли эмас.
 - Ушбу камчиликларни аниқланг, уларни даражаларга бўлинг ва камчиликлар таҳлилини жадвал кўринишида амалга оширинг.
 - Камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқинг.
 - Камчиликлар ва уларни бартараф этиш бўйича хуносалар ёзинг.

Кейсни бажариш босқичлари :

- Кейсдаги муаммоларни келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг(индивидуал ва кичик гурӯҳда).
- Кейсда келтирилган муаммоларни бартараф қилишда бажариладиган ишлар кетма-кетлигини белгиланг (жуфтликлардаги иш).

VI. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шархи	Инглиз тилидаги шархи
ер участкасини ижарага олиш	ер участкасидан ижара шартномасининг шартлари бўйича вактинча ҳақ эвазига фойдаланиш	temporary use of land on a rental basis on the basis of a certain rent
ер участкасини ижарага олувчи	ер участкасини белгиланган тартибда ижарага олган юридик ёки жисмоний шахс	legal or natural person who received a land plot on the basis of rent in the prescribed manner
ер участкасини ижарага берувчи	ер участкасини белгиланган тартибда ижарага берган юридик ёки жисмоний шахс	legal or natural person who provided land on a rental basis in the prescribed manner
ер участкасининг эгаси	ер участкасидан якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш ҳамда дехқон хўжалигини, шунингдек жамоа боғдорчилиги ва узумчилигини юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш хукукида фойдаланувчи фуқаро	a citizen who enjoys the right to the eternal use of land in the construction and improvement of an individual residential building, as well as in the conduct of personal subsidiary plots
ер бўлган участкасига давлат рўйхатидан ўтказиши	юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкасига бўлган хукуқларининг вужудга келиши, бошқа шахсга ўтиши, бекор қилинишининг давлат томонидан эътироф қилиниши ва тасдиqlаниши юридик акти	a legal act that establishes and confirms by the state the occurrence and transfer to other persons of the right to a land plot of a legal or natural person
давлат ер кадастри	ерларнинг табиий, хўжалик, хукуқий режими, тоифалари, сифат хусусиятлари ва қиммати, ер участкаларининг ўрни ва ўлчамлари, уларнинг ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарага олувчилар ва мўлқдорлар ўртасидаги тақсимоти тўғрисидаги зарурӣ ҳамда аниқ маълумотлар ва хужжатлар тизими	a system of reliable land information and documents on natural, economic, legal regimes, categories of qualitative features and cost, location and area, distribution of land between landowners, land users and tenants,
ерларнинг ифлосланиши	тупроқларда таркибида кимёвий бирикмалар, радиоактив элементларнинг атрофдаги табиий мухитга, тупроқ унумдорлигига ва инсон соғлигига зарарли таъсир кўрсатадиган миқдорларда мавжудлиги	the presence of chemical compounds, radioactive elements in the soil, which have a negative impact on the environment, soil fertility and human health
ер участкаси гарови (ипотекаси)	юридик ёки жисмоний шахс томонидан ер участкасини ёки унга бўлган хукуқни мажбуриятни таъминлаш шарти билан бошқа шахсга ўтказилиши	transfer of a certain land plot to another person subject to the provision of legal obligations of a legal or natural person
ер муносабатлари	давлат ҳокимияти органлари, юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги ерга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ҳамда уни тасарруф қилиш билан боғлиқ	relations between state bodies, individuals or legal entities in the field of disposal, possession and use of a certain land plot

	муносабатлар;	
сервитут	юридик ва жисмоний шахснинг бир ёки бир нечта бегона ер участкаларидан келишув ёки суд қарори асосида белгиланадиган чекланган фойдаланиш хукуки	imited use right of legal entities or individuals of a certain land plot established on the basis of a mutual agreement or on the basis of a court decision
ер низоси	ер муносабатлари субъектлари ўртасидаги, хусусан ер участкаси ёки унинг бир қисмининг қайсиdir шахсга мансублиги, шунингдек сервитутнинг белгиланиши ва ер участкасига бўлган хукуқларнинг чекланиши борасидаги низолар	Disputes between the subjects of land relations, in particular, the ownership of the land or part of it, as well as the establishment of the easement and the restriction of rights to the land
ер участкаси	ер сиртининг қайд этилган берк чегарага, майдонга, жойлашиш манзилига, хукукий режимга ҳамда давлат ер кадастрида акс эттириладиган бошқа хусусиятларига эга бўлган қисми	part of the land surface with the specified boundary, area, location, legal regime and other features reflected in the state land cadastre
ер фонди	ер сиртининг, хусусан сув объектлари тубининг Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси, Қарақалпогистон Республикаси, вилоятлар, туманлар, шаҳарларнинг маъмурий чегаралари ичida жойлашган қисми	the part of the earth's surface, in particular the bottom of water bodies, located within the state border of the Republic of Uzbekistan, the administrative boundaries of the Republic of Karakalpakstan, regions, districts, cities
ер тузиш	ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни ташқил этишга, ер ресурсларини хисобга олиш ва баҳолашга, қулай экологик муҳитни вужудга келтиришга ва табиий ландшафтларни яхшилашга, ер тузишнинг ҳудудий ва ички хўжалик режаларини тузишга қаратилган тадбирлар тизими	system of measures aimed at organizing the use and protection of lands, accounting and evaluation of land resources, the creation of a favorable ecological environment and the improvement of natural landscapes, the development of territorial and internal economic plans of land management
ерларнинг тоифалари	ер фондининг ер участкалари уларнинг асосий мақсад вазифалари бўйича киритилган қисмлари	land plots of the land fund, their parts included in the main purpose tasks
ерлар мониторинги	ер таркибидаги ўзгаришларни ўз вактида аниқлаш, ерларга баҳо бериш, салбий жараёнларнинг олдини олиш ва оқибатларини тутатиш учун ер фондининг ҳолатини кузатиб туриш тизими	timely detection of changes in land structure, assessment of lands, monitoring of the state of the land fund to prevent and eliminate the consequences of negative processes
ер участкасига бўлган хукуқларнинг чекланиши	юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларидан фойдаланиш бўйича хукуқларнинг давлат, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, муҳандислик коммуникацияларини қуриш ва улардан	the rights of legal entities and individuals to use land plots in the interests of the state, environmental protection, construction and use of utilities, other landowners, land

	фойдаланиш, бошқа ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкаларининг ижарага олувчилари ва мўлкдорлари, шунингдек қонунда назарда туилган ҳолларда ахоли хавфсизлиги манфаатлари йўлида конун хужжатлари билан белгиланган тартибда чекланиши;	users, tenants and landowners, as well as in the interests of public safety in cases provided by law restricted in the prescribed manner
сугориладиган ерлар	ерларни суғориш учун етарли миқдордаги сув ресурсларига эга суғориш манбаи билан боғланган доимий ёки вактинчалик суғориш тармоғи мавжуд бўлган қишлоқ хўжалиги ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар	agricultural and other lands with permanent or temporary irrigation network connected to the irrigation source with sufficient water resources for irrigation
ерларни муҳофаза қилиш	ерлардан белгиланган мақсадда, оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини тиклаш ва ошириш, қишлоқ хўжалик оборотидан ва алоҳида муҳофаза этиладиган худудларнинг ерлари таркибидан ерларнинг асоссиз равишда олиб қўйилиши олдини олиш, уларни заарли антропоген таъсирандан ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий, ташқиلىй, иқтисодий, технологик ва бошқа тадбирлар тизими	system of legal, foreign, economic, technological and other measures aimed at rational use of lands, restoration and increase of soil fertility, prevention of unjustified withdrawal of lands from agricultural turnover and lands of specially protected areas, their protection from harmful anthropogenic impact
тупроқ унумдорлиги	тупроқнинг қишлоқ хўжалик ўсимликларининг тўйимли моддалар, ҳаво, сув, иссиқлик, биологик ва физикавий-кимёвий муҳитга бўлган талабини қондириш, қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ва сифатли ҳосил олишни таъминлаш ҳусусияти	Features of the soil to meet the needs of agricultural plants in nutrients, air, water, heat, biological and physicochemical environment, ensuring high and quality yields of agricultural crops
ер участкасидан вактинча фойдаланиш ҳуқуқи	юридик ёки жисмоний шахснинг давлат мулкидаги ер участкасидан давлат ҳокимияти органининг қарори билан маҳкамланган белгиланган муддатларда фойдаланиш ҳуқуқи	the right of a legal entity or an individual to use a state-owned land plot within the established time limits established by a decision of a public authority
мерос қилиб қолдириладиган ер участкасига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи	фуқаронинг ҳаёт даврида амал киладиган ва унинг меросхўрларига белгиланган тартибда ўтказилиши мумкин бўлган ер участкасидан якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш ҳамда дехқон хўжалигини, шунингдек жамоа боғдорчилиги ва узумчилигини юритиш учун фойдаланиш ҳуқуқи	the right of a citizen to use a land plot valid for a lifetime and which can be transferred to his heirs in the prescribed manner for individual housing construction and beautification, as well as for farming, as well as community gardening and viticulture
ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи	юридик ёки жисмоний шахснинг давлат мўлкидаги ер участкасидан давлат ҳокимияти органининг қарори билан маҳкамланган белгиланган муддатсиз фойдаланиш ҳуқуқи	the right of a legal entity or an individual to use a state-owned land plot for an indefinite period of time, established by a decision of a public authority

ер участкасига бўлган мулк ҳуқуки	юридик ёки жисмоний шахснинг унга тегишли бўлган ер участкасига ўзининг ихтиёри бўйича ва ўз манфаатлари йўлида эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуки	the right of a legal entity or an individual to own, use and dispose of the land plot belonging to him at his own will and in his own interests
ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш	ерлардан ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи хужжатларсиз фойдаланиш	land use without approved relevant legal documents
ер участкаси билан боғлиқ битимлар	жисмоний ва юридик шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ҳаракатлари	actions aimed at establishing, changing or revoking the rights of individuals and legal entities to land plots

VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Махсус адабиётлар

20. Рустамбоев М.Ҳ. ва бошқ. Ер хуқуқи. – Т.: Тошкент давлат юридик институти, 2002. – 237 б.
21. Нигматов А.. Ер хуқуқи. – Тошкент.: “Ислом Университети”, 2001. – 191 б.
22. Нигматов А. Земельное право. – Тошкент.: “Ислом Университети”, 2001. – 189 б.
23. Бабажанов А.Р., Батыкова А.Ж., Аликулов Г.А. Регулирование земельных отношений. Ташкент, ТИИИМСХ, 2020
24. Муқумов А.М. ва бошқ. Ер хуқуқи (дарслик). Тошкент, ТИҚҲММИ, 2020

Электрон таълим ресурслари

25. www.edu.uz. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:
26. <http://www.mitc.uz>- Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги
27. <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси
28. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази
29. <http://ziyonet.uz> – Таълим портали ZiyoNET
30. www.gki.uz
31. www.pistachio.uz
32. www.agro.uz

ТИҚХММИ хузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва улар малакасини ошириш тармоқ марказида доцент, и.ф.н. А.Бабажанов ва кат.ўқитувчи А.Муқумовлар томонидан тайёрланган “**Рақамли иқтисодиётда ер муносабатларини тартибга солиш**” модули бўйича ўкув услубий мажмууга

ТАҚРИЗ

Тақризга тақдим этилган ўкув услубий мажмууда модулнинг ишчи дастури, назарий машғулотларнинг тўлиқ материаллари, ушбу назарий машғулотларни талаб даражасида олиб бориш учун зарур бўладиган слайдлар, амалий машғулотлар материаллари, тестлар, назорат саволлари, глоссарий ва адабиётлар рўйхати келтирилган. Мажмууда берилган назарий ва амалий машғулотлар материаллари айнан рақамли иқтисодиёт шароитида ер муносабатларини тартибга солишнинг предмети, маъмурий, фуқаровий, молиявий қирраларини ёритади. Бундан ташқари, мажмууда ер муносабатларининг худудий базис, мулкий, ер ишлаб чиқариш воситаси кўринишлари аниқ мисоллар билан келтирилган, рақамли иқтисодиёт шароитида ер муносабатларини тартибга солишнинг хусусиятлари ҳамда бунинг учун зарур бўладиган норматив хукукий хужжатлар тўлиқ ёритилган. Модулни ўзлаштириш натижасида тингловчи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахар, туман(шаҳар)лар Давлат хокимият органларининг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатларини, рақамли иқтисодиётда ер муносабатларини тартибга солиш усулларини билди, ер тузишни лойихалашнинг автоматлаштирилган тизим маълумотларидан фойдаланиш, бошланғич маълумотларини киритиш; лойихалашда автоматлашган тизимларни кўллаш кўникмаларига эга бўлади.

Юқоридагилардан хulosа қилиш мумкинки, тайёрланган ушбу мажмуа “Ер кадастри ва ердан фойдаланиш” йўналиши бўйича малака ошириш курслари учун зарур, шу нуқтаи назардан ҳам уни юқоридаги йўналишда ўз малакаларини оширадиган тингловчиларга тавсия қиласман.

Тақризчи, ТИҚХММИ “Геодезия ва геоинформатика”
кафедраси мудири, доцент

Ойматов Р.К.

